Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 133 (5724).
12 ИЮНЬ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК



«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ю. Ильяхин бошлиқ бригадаси аъзолари съездолди меҳнат вахтасида ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Улар «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

В. Молгачёв фотоси.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ — ҲАЁТ ТАЛАБИ

11 июнь куни КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгаш очилди. Кенгаш ишида **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқлар, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг, бир қанча йирик шаҳар партия комитетларининг секретарлари, министрлар ва давлат комитетларининг раислари, совет ва касаба союз ходимлари, таниқли олимлар, илмий-ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, корхоналарнинг, қурилиш ташкилотларининг, колхоз ва совхозларнинг, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг, олий ўқув юртларининг раҳбарлари ҳамда бош мутахассислари, илғор ишчи ва колхозчилар, ишлаб чиқариш новаторлари қатнашмоқдалар. Кенгашда ижодкор зиёлилар, матбуот вакиллари иштирок этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачев** кенгашда «Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи» мавзуида доклад қилди.

ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ТУБ МАСАЛАСИ

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Коммунистлар, бутун совет халқи Марказий Комитет апрель Пленумининг қарорларини ғоят маъқуллаб кутиб олганликларини биласизлар, ўртоқлар. Партия комитетлари пленумларининг иш якунлари ва марказий органларга юборилаётган кўпдан-кўп хатлардаги фикр-мулоҳазалар шундан далолат беради. Меҳнаткашлар ҳамма жойда жамият ва давлатнинг ишлари ҳақида тобора кўпроқ ғамхўрлик қилмоқдалар, сабот билан олға бориш, турмушимизнинг ҳамма соҳаларида тартибни мустаҳкамлаш учун курашни активроқ авж олдириш, бу ишда қатъиятли ва изчил бўлиш истагини билдирмоқдалар. Хуллас, партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида, умуман бутун мамлакатда яхши ишчанлик муҳити вужудга келмоқда.

Апрель Пленуми социалистик қурилиш тажрибасига, совет экономикасининг ютуқларига ва КПССнинг истиқбол стратегиясини илмий ишлаб чиқишга асосланиб, фан-техника тараққиёти негизида мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш концепциясини таърифлаб берди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг КПСС XXVII съезди арафасида ушбу кенгашни ўтказиш тўғрисидаги қарорининг боиси ҳам бу соҳада асло кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати билан белгиланади.

Марказий Комитет социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш вазифасини илгари сурар экан, шунчаки халқ хўжалигини ўстириш суръатларини оширишни назарда тутаётгани йўқ. Гап тараққиётимизнинг янги сифати ҳақида, стратегик муҳим соҳаларда тезроқ илгари силжиш, ишлаб чиқариш структурасини қайта қуриш, интенсив йўлларга, бошқарувнинг самарали формаларига ўтиш, социал проблемаларни янада тўла-тўкис ҳал этиш ҳақида бормоқда.

Социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш самарасини ички эҳтиёжларимиз белгилаб бермоқда. Биз экономикани ривожлантиришда фахрланса арзигулик ишлар қилдик. Мамлакатда минглаб корхоналар қурилди, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгарди, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш даражаси ошди. Халқнинг уй-жой, маданий, маиший шароитларини яхшилаш ва умуман моддий фаровонлигини ошириш соҳасида кўп иш қилинди. Мана шуларнинг ҳаммасида социализмнинг, унинг планли экономикасининг афзалликлари яна бир бор яққол намоён бўлди. Муваффақиятларимиз шак-шубҳасиз, уларни ҳамма эътироф қилган.

Бироқ 70-йилларнинг бошларидан иқтисодий ривожланишда муайян қийинчиликлар сезилганлиги кўриниб турибди. Асосий сабаб шундан иборатки, биз структура сиёсатини, бошқарув форма ва методларини, хўжалик фаолияти психологиясининг ўзини қайта қуришда ўз вақтида қатъият кўрсатмадик.

Партия, бутун халқ олдида салбий тенденцияларни бартараф қилиш, ишни тубдан яхшилаш сари бурилиш ясаш вазифаси кўндаланг бўлиб қолди. Бундан бошқача ёндашиб бўлмайди: биз социал программалар бажарилишини тўхтатиб қўйиш йўлига ўта олмаймиз. Жамият олдида озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, халқ учун моллар ишлаб чиқариш ва унга хизмат қилишни кўпайтириш соҳасида жуда зарур вазифалар турибди. Уй-жой қурилишини бундан буён ҳам кенг миқёсда олиб боравериш, соғлиқни сақлашни такомиллаштириш, маориф, фан ва маданиятни ривожлантириш муҳимдир.

Шу билан бирга, деб уқтирди докладчи, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш зарурати ташқи вазиятлар тақозо этмоқда. Биз мамлакат мудофаасига зарур маблағ сарфлашга мажбурмиз. Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун бундан буён ҳам бутун куч-ғайратни сарфлайверади, аммо империализм агрессив сиёсат ўтказиб, дўқ-пўписа қилаётган пайтда биз ўзимиздан империализмнинг ҳарбий устунлигига йўл қўя олмаймиз. Совет халқининг иродаси мана шундай.

Жаҳон тараққийпарвар жамоатчилигининг кўз ўнгида Совет Иттифоқи одамлар асрий социал умидларининг мужассам тимсоли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. У ўз экономикасини энг юксак даражада ташкил этиш, энг юксак самарадорлик намунаси ҳам бўлиши керак. Шундай қилиб, мамлакат тараққиётини жадаллаштириш вазифаси ҳозир биринчи даражали сиёсий, иқтисодий, социал аҳамиятга эга бўлиб қолди. Бу вазифани турмушда рўёбга чиқариш — ҳеч кечиктириб бўлмайдиган умумпартиявий ва умумхалқ ишидир.

Ҳозир, партия КПССнинг XXVII съездига тайёргарлик кўраётган, съезднинг программавий ҳужжатлари тайёрланаётган бир пайтда биз фан-техника тараққиётини жадаллаштирмай қола олмаслигимизни англаш муҳимдир. Шу сабабли мазкур ҳужжатларнинг ҳаммасига ва аввало, XII беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларига экономикани интенсивлаш сари тубдан буриб юборишни таъминлайдиган янги ёндашувлар асос қилиб олиниши лозим.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси яқинда Асосий йўналишлар лойиҳасини муҳокама қилиб, унда белгиланган режалар ва марраларни умуман қўллаб-қувватлади. Бироқ лойиҳани пухталаштиришни талаб қилувчи жиддий мулоҳазалар ҳам айтилди. Ҳали унга бир қанча тармоқларнинг асосан интенсив ўсиш изига ўтишини таъминлайдиган тадбирларни асос қилиб олишга, ҳамма кўрсаткичларни баланслаштиришга муваффақ бўлинмаган. Лойиҳа устидаги иш давом эттирилиши лозим, бунда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан белгиланаётган марраларни минимал марралар деб ҳисобламоқ керак.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширишнинг ҳамма резервларини қидириб топиб, ишга солиш — ҳозирги энг муҳим вазифадир. Кадрларимиз ҳар бир корхонани, тармоқни, бутун халқ хўжалигини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш ҳаётий зарурат эканини тушуниб олишлари керак.

Министрликларнинг кўпгина раҳбарлари имкони борича кўпроқ капитал маблағ ва ресурслар «ундириб» олишга, камроқ план белгиланишига ҳаракат қиладилар. Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министри К. Н. Беляк қўшимча маблағ ажратилиши ва план кўрсаткичларининг камайтирилиши учун курашда ғоятда қатъият кўрсатмоқда. А. И. Яшин раҳбарлигидаги СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ҳамда бошқа баъзи министрлик ва идораларнинг ҳам тутган йўли бундан яхши эмас. Мамлакатни яна жуда катта, асоссиз харажатларга дучор этишни умид қилаётган раҳбарлар билан йўлимиз бир эмас, деб ўйлайман.

Капитал маблағларнинг самарадорлигини таъминлаш учун курашда маҳаллий раҳбарларга нисбатан ҳам юксак талабчанлик қилиш зарур. Ўз вақтида Красноярск ўлка партия комитетининг ташаббуси билан ҳамда бир қанча министрликлар ва СССР Госпланининг қўллаб-қувватлаши туфайли шу ўлка ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш юзасидан катта қарорлар қабул қилинган эди. Бу — катта, истиқболли регион, уни ҳар томонлама ривожлантириш лозим.

Аммо ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам ишларни олиб борганда чиқимларнинг ўрни тез қопланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш керак. Афсуски, бундай бўлиб чиқмади. Саян-Шушенск гидроэлектростанцияси Братск ГЭСига нисбатан икки баравар сустроқ қурилмоқда. Абакан вагонсозлик бирлашмасидаги корпуслар бир неча йилдан бери ҳувиллаб турибди. Ҳозир ўлкада 5 мингта объектда қурилиш ишлари бошлаб қўйилган. Кучлар сочиб юборилиши натижасида қурилиш суст бормоқда, ресурслар кўплаб нобуд бўлмоқда. Ўлка партия ташкилоти, план, хўжалик органлари бунинг учун жавоб бермайдиларми, ахир? Давлат бундан буён ҳам Сибирни ривожлантиришга маблағни аямайди. Аммо биз бу маблағ бекор ётмай, самара беришини талаб қилишга ҳақлимиз.

Ҳозир, XII беш йиллик ишлаб чиқилаётган босқичда етакчи индустриал регионлар хўжаликни тежамли юритиш намунасини кўрсатишлари керак. Марказий Комитет Москва ишчилар синфига, зиёлиларига, пойтахтнинг қудратли илмий-ишлаб чиқариш потенциалига катта умид боғламоқда. Ленинград партия ташкилоти олиб бораётган катта ишни яна бир бор қўллаб-қувватламоқчиман. Челябинск областининг коммунистлари яхши таклифлар ишлаб чиқишган. Биз мамлакатнинг Свердловск ва Харьков, Новосибирск ва Донецк, Омск ва Горький ҳамда бошқа шу каби саноат марказларининг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга кўпроқ ҳисса қўшишига умид қилишга ҳақлимиз. Марказий Комитет бу жойлардаги партия ташкилотлари экономикани интенсив ривожлантириш изларига ўтказиш тадбирлари рўёбга чиқарилишини таъминлайдилар, деб умид қилади.

Буларни айтаётганимнинг сабаби шуки, ҳозир, Асосий йўналишлар устида олиб бориладиган бундан буёнги ишларда, беш йиллик планни тайёрлаш даврида, ҳамма поғоналарга лойиҳада белгиланган кўрсаткичларга сўзсиз эришибгина қолмай, шу билан бирга бу кўрсаткичлар яхшиланишини ҳам таъминлайдиган ёндашув намоён этилиши лозим. Биз камроқ чиқим қилиб, юксакроқ марраларни қўлга киритишимиз керак. Иқтисодий вазифа ва айтиш мумкинки, сиёсий вазифа ҳам мана шундан иборат.

Сўнгра М. С. Горбачев инвестиция ва структура сиёсатини қайта қуриш проблемаларига батафсил тўхталди. Корхоналарни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга, ресурсларни тежашга, маҳсулот сифатини кескин оширишни таъминлашга зўр берилиши лозим.

Хўжалик юритишнинг ўтмишда таркиб топган андозасидан ҳеч иккиланмай воз кечиш керак, илгари ишлаб турган кўпгина корхоналар узоқ йилларгача техника билан қайта қуроллантирилмаган бир пайтда янги корхоналарни қураверишни ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг асосий методи ҳисоблар эди. Ишлаб турган корхоналарда жуда кам сарф қилиб, имкони борича кўпроқ маҳсулот олишга ҳаракат қилинар эди.

Ҳозир ишлаб чиқариш фондларининг анчагина қисми эскириб қолди, шунинг оқибатида капитал ремонт соҳаси ҳаддан ташқари қаппайиб кетди. Фондларнинг самарадорлиги камаймоқда, янги иш жойлари сони ортмоқда ва шу билан бирга ишлаб чиқаришга механизацияни жорий қилиш суст бормоқда. Қўл меҳнатининг улуши секинлик билан камаймоқда.

Корхоналарни реконструкция қилишга сарфланаётган капитал маблағ янги корхоналар қуришдан кўра, тахминан икки ҳисса кўп самара бериши хусусида ҳозир ҳеч ким баҳс юритмайди. Бироқ, афсуски, эски, экстенсив хўжалик юритиш усуллари яшаб келмоқда. Масалан, 15 йил мобайнида қора металлургияга 50 миллиард сўм капитал маблағ ажратилди. Бу маблағнинг кўп қисми янги, бунинг устига нокомплекс қурилишга сарфланди, ҳолбуки, корхонани техника билан қайта қуроллантиришга эътибор берилмади. Қора металлургия министрлиги коллегияси ва министр И. П. Казанецнинг нотўғри техника сиёсати оқибатида бу тармоқ на ўнинчи, на ўн биринчи беш йиллик планларининг топшириқларини бажара олди. Бу соҳадаги ишларнинг аҳволини тубдан ўзгартириш керак.

Умуман мамлакатда капитал маблағларнинг умумий ҳажмида реконструкцияга сарфланадиган маблағ улушини яқин йиллардаёқ учдан бир ҳиссадан камида 50 процентгача кўпайтириш лозим. Бу жўн иш эмас. Биз янги қурилишсиз иш тута олмаймиз. Бироқ қурилаётган объектларни синчиклаб текшириб кўриш керак: бир хил корхоналар қурилишини жадаллаштириш, бошқаларини секинлаштириш ёки ҳатто бутунлай тўхтатиб қўйиш керак.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш фондларини ёппасига инвентаризация қилиш, ҳар бир корхонани, ҳар бир тармоқни реконструкция қилиш программасини белгилаш керак. Эскириб қолган асосий фондларни, айниқса, уларнинг актив қисмини чиқариб ташлашнинг улуши икки ҳисса кўпайтирилиши лозим. Бунда ишлаб чиқаришни ҳар қандай янгилаш йўлидан бормай, балки энг янги техника жорий этиладиган, энг юксак иқтисодий ва социал наф берадиган йўлдан бориш керак.

Ресурсларни ҳосил қиладиган, қайта ишлайдиган ва истеъмол қиладиган тармоқларга капитал маблағ сарфлаш ўртасидаги нисбат жуда катта ва ўткир проблемадир. Ёқилғи ва хом ашё қазиб олишни кўпайтириш тобора қийинлашмоқда. Аммо бундан кўра оқилона йўл бор, у ҳам бўлса — ҳар томонлама иқтисод қилиш, ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш йўлидир. Бу йўл икки-уч ҳисса арзон тушади. Масалан, Электр техника саноати министрлигида ресурсларни тежашнинг ижобий тажрибаси бор, бу ерда XI беш йилликда асосий материаллар ишлатишни кўпайтирмай туриб, маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишга эришилмоқда.

Умуман олганда, экономикамизнинг кўп соҳаларида исрофгарчилик рўй бермоқда. Автомобиль паркини дизель билан ишлайдиган моторларга ўтказишдаги қолоқлик сабабли ҳар йили 8 миллион тонна бензин ортиқча ёқилмоқда. Иссиқлик электр станцияларининг машина-ускуналари мукаммал эмаслиги оқибатида биз ҳар йили 20 миллион тоннадан ортиқ шартли ёқилғини беҳуда сарфлаяпмиз. Мамлакатда ёқилғини тежамай сарфлайдиган юз минглаб ибтидоий буғ қозонхоналари бор. Иккиламчи ресурслардан ёмон фойдаланилмоқда. Ҳолбуки, ресурсларни тежаш инвестиция сиёсатининг бош йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак. Вазифа шундан иборатки, халқ хўжалигининг ёқилғи, хом ашё ва материалларга эҳтиёжи ўсишининг 75—80 процентини тежамкорлик ҳисобига қондириш лозим.

Инвестиция сиёсатини ўтказишда пухта ўйлаб иш тутиш, изчил бўлиш, халқ хўжалигида тез самара олиниши зарурлиги муҳимдир. У ёки бу тадбирларни амалга оширишда муайян навбат белгилаш ҳам муқаррар, албатта. Аммо биз, модомики, бирон бир вазифани белгилар эканмиз, бу вазифа тўла-тўкис, комплекс тарзда тез ва зўр ғайрат билан ҳал этилиши керак. Капитал маблағларни «Ма сенга-ма сенга» принципи асосида майдалаб юборишга йўл қўйиб бўлмайди. Янги беш йилликда капитал маблағларни асосан энг тежамли соҳаларга сарфлаш йўлидан қатъият билан бориш керак. Бу гап, масалан, капитал маблағ даражаси энг мақбул ҳажмга етган, аммо бу маблағдан ҳали етарли самара олинмаётган агросаноат комплексига тааллуқлидир.

Фан-техника революциясини амалга оширишда машинасозлик етакчи, асосий роль ўйнайди. XII беш йилликдаёқ уни ўстириш суръатларини бир ярим, икки баравар кўтариш зарур. Мавжуд қувватлардан имкони борича кўпроқ фойдаланиш ва тармоқни биринчи галда реконструкция қилиш вазифаси турибди. Бунинг учун капитал маблағларни қисман қайта тақсимлаш ҳисобига машинасозликка сарфланадиган капитал маблағни 1,8-2 баравар кўпайтириш, замонавий турдаги асбоб-ускуналар етказиб бериш ҳажмини кескин ошириш лозим.

Меҳнат унумдорлигини кўп ҳисса ошира оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма босқичларини автоматлаштириш йўлини очадиган янги туркум техникасини оммавий равишда тайёрлашни йўлга қўйиш айниқса муҳим вазифадир. Асбоб-ускуналарни комплект етказиб беришга ўтиш, техникани уни ишлаб чиқарган корхонанинг ўзи қараб, ўзи ремонт қилишини кенг йўлга қўйиш муҳимдир.

Микроэлектроника, ҳисоблаш техникаси ва приборсозлик, бутун информатика индустрияси — тараққиёт тезлаткичидир. Бу соҳаларни жадал ривожлантириш лозим. ЭҲМ лар ишлаб чиқаришни кўпайтиришгагина эмас, шу билан бирга улардан халқ хўжалигида моҳирона фойдаланишга ҳам кўп нарса боғлиқ, албатта. Бу хусусда катта қарорлар қабул қилганмиз, шу қарорларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб туриш керак.

Хуллас, совет машинасозлигини юксалтириш вазифаси — тараққиётимизнинг бош йўналишидир. Шунинг учун ҳозир ҳам ва келгусида ҳам шу йўлдан оғишмай бориш лозим.

Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволига ҳам фан-техника тараққиётини жадаллаштириш позицияларидан туриб баҳо бериш керак. Бу проблема кўп йиллардан бери кун тартибидан тушмай келмоқда. Аммо бу соҳадаги ишлар ҳозирча тубдан яхшиланганн йўқ. Бу эса бизнинг фан-техника тараққиёти соҳасидаги куч-ғайратларимизни кўп жиҳатдан йўққа чиқариб юбормоқда.

Кўпинча лойиҳаларнинг ўзигаёқ самарасиз технология ечимлари асос қилиб олинмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили уларнинг бир талай қисми қайта ишлаш учун қайтариб юборилмоқда. Капитал маблағни сочиб юбориш давом этмоқда, қурилиш муддатлари ҳаддан ташқари чўзилиб кетмоқда. Шунинг натижасида ҳатто энг яхши лойиҳалар бутунлай эскириб қолмоқда. Биз қурилишни энди бундай олиб бора олмаймиз. Қурилишни планлаштириш ва лойиҳалашда тартиб ўрнатиш, капитал маблағни марказлаштиришни, объектларни қурилишни норматив муддатларига риоя этилишини таъминлаш, қурилиш ишларини ягона индустриал жараёнга айлантириш керак.

Халқ хўжалигимизнинг самарадорлиги, ўсишимизнинг суръатлари кўп жиҳатдан материалларнинг структурасига ва сифатига боғлиқ. Бу ишда биз ҳозирча замонавий талаблардан орқада қоляпмиз. Масалан, биз пўлатни ҳаммадан кўра кўпроқ ишлаб чиқараётган бўлсак ҳам, аммо мамлакатимизда металл узлуксиз етишмаётганлиги маълум. Бунинг асосий сабаблари сифатнинг етарли эмаслиги, сортларнинг етарли эмаслиги ва тежаб-тергаб фойдаланилмасликдадир. Умумий ҳажмда пластмасса, керамика ва бошқа прогрессив нометалл материалларнинг улуши ҳозирча унчалик кўп эмас. Дунёда енгил маҳсулотлар ҳосил қиладиган химия, соф ва ўта соф материаллар ишлаб чиқариш ғоят зўр суръатлар билан ривожланиб бормоқда, бу материаллар замонавий техниканинг даражасини кўп жиҳатдан белгилаб бермоқда. Шу сабабли орқада қолинишига йўл қўймаслик учун икки ҳисса-уч ҳисса куч-ғайрат сарфланиши лозим.

Экономикани ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш инфраструктураси проблемалари кескинлашди. Транспорт, алоқа, моддий техника таъминоти ва бошқа соҳаларнинг орқада қолиши катта исрофгарчиликларга олиб бормоқда. Халқ хўжалиги соҳасидаги бу ўткир муаммони ҳал қилиш учун қўшимча имкониятларни қидириб топиш керак.

Фан-техника тараққиёти вазифалари, деди сўнгра докладчи, биздан бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизга янгича ёндашишни талаб қилади. Мамлакатнинг ташқи савдо обороти катта ҳажмга — 140 миллиард сўмга етди, аммо унинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш, энг муҳими эса — экспортга ҳам, импортга ҳам янада прогрессив характер бахш этиш мумкин ва лозим.

Кейинги йилларда машина ва асбоб-ускуналарни экспорт қилиш суст кўпаймоқда. Бунинг бир неча сабаби бор: улардан кўпларининг рақобат қила олиш қобилияти пастлиги ҳам, саноат корхоналарининг экспортга ишлашдан етарли манфаатдор эмаслиги ҳам шу сабаблар жумласига киради. Энди бунга йўл қўйиб бўлмайди. Импорт сиёсатида ўзаро манфаатли халқаро меҳнат тақсимотининг имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш лозим. Бу гап биринчи галда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари билан алоқаларимизга тааллуқлидир.

Докладда импорт асбоб-ускуналаридан фойдаланишда тартиб ўрнатиш зарурлиги масаласи ўткир қилиб қўйилди. СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлигининг иши импорт асбоб-ускуналарига хўжасизларча муносабатнинг мисоли қилиб кўрсатилди. Министр В. С. Федоров бу соҳадаги камчиликларни тугатишга бир неча бор ваъда берган эди. Аммо у ўз сўзининг устидан чиқмаётганлиги кўриниб турибди. КПСС Марказий Комитети бу ишдаги аҳволни батафсил ўрганиб, Сиёсий бюрога маълум қилишни топширди.

Халқ хўжалигини янги техника асосида реконструкция қилиш учун жуда кўп капитал маблағ керак бўлади.

Хўш, бу маблағни қаердан олиш мумкин? Бу саволга бериладиган принципиал жавоб қуйидагича: фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан белгиланаётган тадбирлар ўз харажатларини ўзи қоплаши керак. Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳам меҳнат унумдорлигини оширишдан, бинобарин миллий даромаднинг ўсишини ҳам жадаллаштиришдан иборат. Бироқ бунинг учун муайян вақт керак, маблағ эса ҳозирнинг ўзида зарур. Бу соҳада ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш, уларни энг муҳим соҳаларга сарфлаш йўлидан боришдан бошқа илож йўқ.

Ташкилий, иқтисодий, социал омилларни сафарбар қилиш, ҳамма соҳада тартиб ўрнатиш, мамлакат ихтиёридаги нарсаларнинг ҳаммасидан яхшироқ фойдаланилишини таъминлаш учун ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини яхшилаш — биринчи галдаги вазифадир. Ҳар бир бирлашма ва корхонада, ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида камроқ чиқим қилиб, иложи бўлса умуман чиқим қилмай, кўпроқ самара олиш мумкин бўлган бўғинларни белгилаш керак. Иқтисодий тежаш — бойлигимиз йўли ҳамма вазифалар орасида чинакам олий вазифа эканлиги тушунчаси ҳар бир совет кишисининг онгидан чуқур жой олиши лозим. Бу — бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир.

Кейинги йилларда, деди докладчи, маҳсулот сифатини ошириш сари бирмунча силжиш рўй берди, маҳсулотнинг сифати фан-техника тараққиётининг меҳнат маданияти ва интизомининг энг аниқ ва умумлашма кўрсаткичидир. Бироқ буюмларнинг сифати, техникавий-иқтисодий даражаси экономиканинг заиф жиҳатларидан бири, кўпгина қийинчиликлар ва муаммоларнинг манбаи бўлиб қолаётганлигини тан олмоқ керак. Бу эса катта социал-иқтисодий ва маънавий-сиёсий зиён етказади. Янги яратилаётган техника конструкциялаш босқичидаёқ маънавий жиҳатдан эскириб қолишига, пишиқ-пухталиги, иш ресурси ва тежамлилиги жиҳатидан энг яхши кўрсаткичлардан паст бўлишига эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ҳатто олий категория қаторига ўтказилган маҳсулот ҳам ўз параметрлари жиҳатидан баъзан дунёдаги энг яхши намуналарга тенглаша олмаяпти. Давлат Сифат белгиси бериш тўғрисидаги талабларга қаттиқроқ риоя этиш керак. Маҳсулотнинг сифати касбкор ғурурининггина эмас, шу билан бирга миллий ифтихор кўрсаткичи бўлиб қолиши лозим.

Сифат муаммосини шартта ҳал қилиб бўлмайди, албатта. Аммо бу ишда бирон бир тарзда пайсалга солишни ҳам оқлаб бўлмайди. Бу ишда ҳеч бир — биронта корхона, биронта конструктор, технолог ёки олим, бирон ишчи ёки колхозчи, хуллас, бирон софдил меҳнатчи четда туришга ҳақи йўқ. Партия совет маркасининг шарафи учун курашни актив қўллаб-қувватлайди ва пассив позицияда турган, шу қадар ўткир муаммони ҳал этишга халақит бераётган кишилардан қаттиқ жавоб талаб қилади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашнинг олдинги маррасида илм-фан турибди, деб уқтирди докладчи. Совет олимларининг билим ва техника тараққиётининг турли соҳаларидаги муваффақиятлари ҳаммага маълум. Космосни тадқиқ қилиш, математика ва механика, термоядро синтези, квант электроникаси соҳасидаги, биологиянинг бир қанча соҳаларидаги ютуқлар билан фахрланиш мумкин. Фан-техниканинг деярли ҳар бир йўналишида умидбахш лойиҳалар бор.

Шу билан бирга биз илм-фаннинг вазифаларига замон талаблари — уни ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари сари, ишлаб чиқаришни эса илм-фан сари қатъиян буриб юбориш талаблари нуқтаи назаридан қарашимиз керак. Илм-фан, техника ва ишлаб чиқаришни туташтирувчи занжирнинг ҳамма халқалари шу позицияларда туриб таҳлил этилиши ва мустаҳкамланиши керак.

Фундаментал фанни ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериш лозим. Айни шу фан ғояларнинг генератори сифатида иш кўрмоқда, янги соҳаларга йўл очмоқда, самарадорликнинг янги даражасига кўтарилиш имкониятини кўрсатиб бермоқда. Бу ўринда СССР Фанлар академиясининг ролини ошириш керак. Академия институтларини техникавий йўналишга эга бўлган тадқиқотларни кенгайтириш тарафига тубдан буриб юбориш, техника ва технологиянинг принципиал янги турлари назарий асосларини яратиш учун уларнинг роли ва масъулиятини ошириш лозим. Олий ўқув юртларидаги фан муҳим резервдир, унинг имкониятларидан ҳозирча тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Ҳолбуки, мавжуд маълумотларга қараганда, олий ўқув юртлари илмий-тадқиқот ишлари ҳажмини 2—2,5 баравар кўпайтиришлари мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ТУБ МАСАЛАСИ

(Боши биринчи бетда).

Тармоқ фанига нисбатан эътирозлар билдирилиши ва талаблар қўйилиши керак. Саноат министрликларининг қарамоғида юзлаб илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳа-технология ва конструкторлик ташкилотлари бор. Уларнинг кўплари ишлаб чиқаришдан ажралиб қолган, халқ хўжалигида юқори натижаларга эришиш мақсадини кўзламаган. Масалан, Химия саноати министрлигида кўпгина турли-туман илмий муассасалар ва тажриба корхоналари бор. Аммо айни шу тармоқда янги материаллар ва технологияларни ишлаб чиқишда катта-катта камчиликлар аниқланди. Докладда баъзи тармоқ институтлари ёмон ишлаётганлигини кўрсатувчи конкрет мисоллар айтиб ўтилди.

Фан-техника ва ишлаб чиқаришни интеграциялашнинг ташкилий-иқтисодий формаларини такомиллаштириш лозим. Масалан, Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институти ва бошқа илмий муассасалар тажрибаси асосида СССР Фанлар академияси составида комплекс тармоқлараро илмий-техника марказларини вужудга келтириш ғоят самаралидир.

Институтлар ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг ишлаб чиқаришдан ажралиб қолганлигини бартараф этиш мақсадида ҳозирнинг ўзидаёқ улардан кўпларини бирлашма ва корхоналар составига қўшиб, шу тариқа илм-фаннинг завод секторини кучайтириш лозим бўлур эди. Йирик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тармоғини ривожлантириш соҳасидаги бутун ишга янги омил бахш этиш жуда муҳимдир. Бу бирлашмалар «Криогенмаш», «Светлана» ва бошқа кўпгина илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари каби фан-техника тараққиётининг ҳақиқий таянч масканлари бўлиб қолиши керак.

Йирик фан-техника ташкилотларини мустаҳкамлашга катта эътибор бериш билан айни бир вақтда ихтирочилар ва рационализаторлар ишини актив қўллаб-қувватлаш, техникага оид салмоқли таклифларни танлаб олиш формасини топиш ва бу таклифларнинг тезроқ жорий этилишини таъминлаш керак.

Фан-техника соҳасидаги янгиликлар халқ хўжалигида тезроқ салмоқли натижалар бериши учун кўп иш қилиш керак. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати мамлакат олимлари, барча фан-техника зиёлилари партия ўртага қўяётган вазифаларни астойдил маъқуллаб, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун куч-ғайратларини аямайдилар, деб умид қиладилар.

Ҳаёт планлаштириш ва бошқаришни, бутун хўжалик механизмини тубдан қайта қуришни талаб қилмоқда. Хўжалик бошқарувининг асосий йўналиши принцип жиҳатдан олганда аниқ-равшан. Бу — социалистик хўжалик афзалликларидан янада тўлароқ ва ҳар томонлама фойдаланишдан иборат. Биз демократик централизмни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидан боришимиз зарур. Бошқарув ва планлаштиришда марказлаштирилган негиз самарадорлигини ошириш, корхоналар мустақиллиги ва масъулияти кенгайтириш, раҳбарлик, хўжалик ҳисоби ҳамда товар-пул муносабатларининг янада ихчам форма ва методларидан актив фойдаланиш, омманинг ташаббусини кенг қулоч ёйдириш — қайта қуришнинг принципиал моҳияти мана шулардан иборат.

Экономикада фан-техника ютуқларининг қўлланилишини кўп даражада ошириш, бунда халқ хўжалиги барча бўғинларининг ҳаётий манфаатдорлигини таъминлаш керак. Партия ва хўжалик органлари мана шу проблемаларни ҳал этиш устида фаол иш олиб бормоқдалар. Кенг кўламдаги иқтисодий экспериментга тобора янги-янги тармоқлар қўшилмоқда. Бироқ иқтисодий экспериментдан хўжалик юритиш ва бошқарувнинг яхлит системасини вужудга келтиришга ўтиш лозим.

Бу борада ишни юқори босқичлардан бошлаш керак. Госпланни йирик олимлар ва етакчи мутахассислар тўпланган илмий-иқтисодий органга айлантириш тўғрисидаги ленинча ғояни амалда рўёбга чиқариш лозим. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттирувчи сифат кўрсаткичлари, фан-техника тараққиёти асосида маҳсулотни янгилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш кўламлари планларда етакчи ўринни эгаллаши зарур.

КПСС Марказий Комитетига Фан ва техника давлат комитетининг ўрни ва роли тўғрисида кўпгина таклифлар билдирилган мактублар келиб турибди. Тармоқларнинг илмий-техникавий даражасини, ишлаб чиқаришнинг энг яхши ютуқларга мослигини, илмий-тадқиқот институтлари ва лойиҳалаш ташкилотлари тармоқларининг тузилишини, мамлакатда фан-техника фаолиятини мувофиқлаштириш устидан контролни амалга ошириш соҳасидаги масъулиятни мана шу комитет зиммасига юклаш тўғрисида гап боряпти.

Тармоқлар туташ жойларда юксак самарадорликка эришишнинг асосий резервлари мавжуд. Госплан тармоқлараро алоқаларнинг бутун занжирини ишлаб чиқиб, энг мақбул вариантни танлай олади, деб ўйлаш хомхаёлдир. Бу ишга министрликларнинг ҳам қурби етмайди. Буларнинг ҳаммаси йирик халқ хўжалик комплекслари бошқарув органларини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кун тартибига қўяди. Янги шароитда министрликларнинг роли ва вазифалари ўзгариши зарур. Министрликлар ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техникавий даражасини ошириш учун истиқболли планлаштиришга, янгиликлардан кенг кўламда фойдаланишга диққат-эътиборни энг кўп даражада жалб эта оладилар. Тармоқларда бошқарув аппаратини жиддий камайтириш, унинг ортиқча бўғинларини тугатиш керак.

Министрликлар ва идоралар сони ғоят кўп бўлган ва ҳамон ўсиб бораётган республика бошқарув органлари структурасини такомиллаштириш соҳасида ҳали кўпгина ишлар қилиш керак. Бу соҳада Иттифоқ даражасидагига қараганда ҳам кўпроқ бошқарувни бирлаштириш ва марказлаштириш проблемаси етилди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш мақсадида асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлган бирлашмалар ва корхоналарнинг роли оширилиши лозим. Мана шу бирлашмалар ва корхоналарни бевосита министрликларга бўйсундириб, бутун оператив-хўжалик ишининг асосий оғирлигини у ерга кўчириш зарур. Келгусида қиладиган ишларимиз — бу нуқсонларни тугатишдан, ташкилотларни шунчаки бирлаштириш ёки ажратиш, ходимларни бир лавозимдан иккинчи лавозимга ўтказишдан иборатгина эмас. Ташкилий структурани такомиллаштириш масалаларини дадил, асосли равишда, энг муҳими эса комплекс тарзда ҳал этиш керак. Ҳал этганда ҳам юқори бўғиндан қуйи бўғинларгача ҳар томонлама фақат комплекс асосда ҳал этиш зарур.

Бошқарувнинг ташкилий структурасини қайта қуришни хўжалик ҳисобини, иқтисодий омиллар ва воситаларни кучайтириш билан узвий боғлаб олиб бориш лозим. Бизга фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда ютуқларни қўлга киритаётган меҳнат коллективларига афзалликлари реал таъминлаб берадиган механизм зарур. Бизга эскирган ва самарасиз маҳсулотни ишлаб чиқаришни фойдасиз қилиб қўядиган механизм зарур. Шу мақсадда, энг аввало, истеъмолчининг маҳсулот техникавий даражаси ва сифатига таъсирини кучайтирувчи чоратадбирлар қабул қилиш талаб этилади. Маҳсулотга нарх белгилашни иқтисодий сиёсатни муваффақиятли рўёбга чиқаришга, барча янги, илғор нарсаларни тезроқ жорий этишга кўмаклашадиган қилиб тубдан такомиллаштириш лозим.

Бирлашмалар ва корхоналарни амалда тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш, марказлаштирилган ҳолда белгиланаётган план топшириқлари сонини кескин камайтириш керак. Министрликлар ва ҳатто, Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмалари планларга кўпгина кераксиз кўрсаткичларни ўзларича киритаётганлигини кўрсатувчи фактлар ҳам тезтез учраб туриши маълум. Бу борада қонун йўли билан тартиб ўрнатиш вақти келди. Корхоналарнинг фаолияти борган сари кўп даражада иқтисодий нормативлар билан белгиланиши зарур.

Бирлашмалар ва корхоналарнинг ўзлари ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ва маҳсулот сифатини ошириш, социал ривожланиш учун зарур бўлган маблағларни ишлаб топишларига ва ана шу маблағларни ўзлари мустақил сарфлашларига, кредитдан кенг фойдаланишларига имконият яратиш зарур. Коллективларнинг иш натижалари билан меҳнатга ҳақ тўлашни бир-бирига маҳкам боғлиқ қилиб қўйиш ғоят муҳимдир. Бунда бевосита алоқа бўлиши зарур. Бирлашмалар ва корхоналарнинг фаолиятига коллектив пудрат принципларини ёйиш йўлидан дадил бориш, хўжалик ҳисобида ишлайдиган йириклаштирилган комплекс бригадаларни актив ташкил этиш йўлидан бориш муҳимдир. «Маблағ сарфланишига қарши хўжалик механизми» тўла қувват билан ишлаши учун барча эскирган нарсаларга барҳам бериш керак. Бу механизм давлатдан кўпроқ ресурслар ва капитал маблағларни юлиб олиб, жамиятга камроқ наф келтириш ишкибозлари бўлган ношуд хўжалик ходимлари пайини қирқиши керак.

Хуллас, бошқарув ва хўжалик юритиш системасини такомиллаштириш соҳасида ғоят жиддий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Биз бу ишларни амалга ошириш муддатларини орқага сура олмаймиз, чунки, янги иқтисодий ва ташкилий шароитни вужудга келтирмай туриб, фан-техника тараққиётини чинакамига жадаллаштириш мумкин эмас.

Бу кенг кўламдаги вазифа партиявий ишда чуқур ўзгаришлар қилишни тақозо этади. Бу иш, деди М. С. Горбачев, барча ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили бўлган инсон омилига бевосита тааллуқлидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, юқоридан то қуйи бўғингача кадрларнинг фикр-ўйлари ва кайфиятларида бутун чоралар билан ўзгаришни амалга ошириш, уларнинг диққат-эътиборини энг муҳим нарса — фан-техника тараққиётига жамлаш бугунги кунда партиявий ишнинг бош йўналишидир. Талабчанлик ва яна талабчанлик — вужудга келган вазият биз, коммунистларнинг олдига қўяётган энг муҳим вазифа ана шундан иборат. Ҳаёт имтиҳони — энг жиддий ва муросасиз имтиҳондир. Ҳозирги пайтда партия ва барча кадрлар ана шу имтиҳондан ўтмоқда.

Бунда гап узоқ муддатли сиёсий йўл тўғрисида бормоқда. Бинобарин, биз бугунги кунда ҳал этишимиз зарур бўлган проблемалардан бирортаси ҳам эртанги кунга қолдирилиши мумкин эмас. Иқтисодчи, хўжалик кадрларимизга талабчанликни ошириш зарур. Сусткашлик қилиш, кутиб туриш мумкин эмас. Чунки, илгари йўл қўйилган сусткашлик сабабли бунга вақт қолгани йўқ. Фақат олға томон, жадал боришимиз керак.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш инженер-техник ва илмий кадрлар билан боғлиқ вужудга келган вазиятни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Илмий ва инженерлик меҳнатининг жамоатчилик томонидан эътироф этилишини ошириш, унда ижодий ташаббусларни кучайтириш, кам одам билан ишлар сифатли бажарилишини рағбатлантириш ва шу асосда уларга ҳақ тўлаш даражасини ошириш тадбирларини ўйлаб топиш зарур. Фан-техника тараққиётининг бутун боришига партиявий таъсирни кучайтиришимиз, унинг ҳал қилувчи соҳаларида партия кадрларини мустаҳкамлашимиз керак. Кадрларни, аввало, техника тараққиёти туфайли вужудга келган янги ихтисосликлардаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида олиб бориладиган мунтазам иш алоҳида аҳамият касб этади.

Кўпгина камчиликлар ва нуқсонларнинг сабаблари министрликларнинг партия комитетлари айрим жойларда энг муҳим социал-иқтисодий масалаларни тушуниб етиш ва ҳал этишда сиёсий ўткирликни бўшаштириб, ўзларининг КПСС Уставида белгиланган контрол қилиш ҳуқуқидан четлашганлигидадир. Бундай ёндашув мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги талабларига жавоб бермайди.

Идеология, пропаганда ишлари олдига конкрет ва масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Одамлар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — бу ҳамманинг манфаатларига жавоб берадиган, ҳар бир қишининг ўз қобилияти ва истеъдодини кенг очишига имкон берадиган ҳаётий муҳим иш эканлигига ишонч ҳосил қилишига кўмаклашиш зарур. Биз ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, инженер ва олимларимизнинг юксак ижодий активлик ва маҳорат кўрсатишларига умид қиламиз. Биз ёшлардан уларнинг куч-ғайрати ва синчков ақл-идроки, барча янги, илғор нарсаларга қизиқишидан, айниқса, кўп нарса умид қиламиз.

Сўнгра докладчи хўжалик фаолиятининг кундалик масалаларига тўхталиб ўтди. У мамлакат меҳнаткашлари олдида шу йилни ва умуман беш йилликни муваффақиятли тугаллашдан иборат масъулиятли вазифа турганлигини уқтириб ўтди. Партия ташкилотлари саноат учун ёқилғи ва бошқа хом ашё ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, қишлоқ хўжалик ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишни ташкил этишлари, бутун ҳосилни йиғиш-териб олиш ва сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари муҳимдир. Мамлакат янги беш йилликни яхши замин да ва уюшқоқлик билан бошлаши зарурлиги тўғрисида гап бормоқда.

Пировардида М. С. Горбачев бундай деди:

Олдимизда ғоят кўп ишлар — новаторликни талаб қиладиган кенг кўламдаги қийин ишлар турибди. Биз бу ишларнинг уддасидан чиқа оламизми? Марказий Комитет бизэ бу ишларни уддалай олишимизга ишонади. Биз бу ишларнинг уддасидан чиқишимиз зарур. Бироқ бу ҳар биримиздан пухта фикр юритишни, қизғин меҳнат қилишни, уддабуронлик ва ниҳоятда батартиблikни, онглилик ва уюшқоқликни талаб қилади. «Партия, совет халқи вазифаларнинг мураккаблигидан ҳеч қачон чўчимаган, қийинчиликлар олдида чекинмаган, мамлакат ҳаётидаги ҳал қилувчи масъулиятли пайтларда бўшанглikka ва хотиржамликка ҳеч қачон йўл қўймаган.

Ленин Советлар республикаси жуда қийин вазиятда социализм сари дастлабки қадамлар қўяётган пайтда ишонч билан шундай деб ёзган эди: «Бу аҳволдан чиқамиз, чунки биз ўз аҳволимизни бўяб кўрсатмаймиз. Ҳамма қийинчиликларни биламиз, ҳамма касалликларни кўриб турибмиз. Бу касал томонларни ваҳимага тушмасдан, мунтазам суратда, қаттиқ туриб даволаяпмиз».

Бугунги кунда партия ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг ижодий куч-ғайратларига, халқнинг юксак маънавий руҳи ва иродасига комил ишонч билан қарамоқда. Бироқ бу ишонч ҳеч кимни ишлашдан ҳоли этмайди. Зўр ғайрат билан меҳнат қилишимизга тўғри келади. Бутун жамият КПССнинг сиёсатини актив қўллаб-қувватламоқда. Партия ўзининг XXVII съездига тайёргарлик кўраётган вақтдаги ғоялари, ташаббуслари ва режаларига совет кишилари катта умид билан қарамоқдалар.

Коммунистлар партиясининг бурчи — ана шу умидни оқлашдан, ишга жиддий киришаётганлигимизни кўрсатишдан иборат. Халқнинг жонли ижодкорлигига таяниб, илм-фан билан меҳнат иттифоқини мустаҳкамлаб, сўз билан иш бирлигига эришиш учун бизда куч ва қатъият етарлидир. Сиёсатда, турмушда энг муҳими шундан иборат.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАГИ КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР

Кенгаш қатнашчилари докладни муҳокама этиш чоғида жамиятимизнинг социал-иқтисодий ривожланиш суръатлари, халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изига ўтказиш билан боғлиқ туб масалалар тўғрисида манфаатдорлик ва талабчанлик билан сўз юритдилар. Улар диққат-эътиборни фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида самарали ишлашнинг ички резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишларига қаратдилар.

Бугун биз етилган проблемалар ҳамда вазифаларни муҳокама этмоқдамиз, деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. В. Шчербицкий.** Бу проблема ва вазифаларнинг асосий моҳияти халқ хўжалигини бошқаришни яхшилашдан, бутун хўжалик механизмини фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини оширишга йўналтиришни кучайтириш заруратидан келиб чиқади.

Шу мақсадда Украинада республика, тармоқ ва регионал илмий-техника программалари системаси тузилди ва у ишлаб турибди. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга партиявий таъсирни кучайтириш мақсадида Украина Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва кўпгина район партия комитетлари ҳузурида фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашлар тузилди. Айни пайтда шуни очиқ тан олиш керакки, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга сарфлаётган куч-ғайратларимиз ҳозирча тегишли самара бермаяпти. Бундай аҳволнинг юз беришига асосий сабаб шуки, бизда амал қилиб келаётган хўжалик механизми ҳали фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминламаяпти. Биз барча проблемаларни комплекс тарзда эмас, балки кўпинча жуда муҳим бўлса-да, жузъий вазифаларни ҳал этмоқдамиз.

Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан докладда билдирилган конкрет таклифлар ҳаётий зарур таклифлардир. Шу таклифлар бутун ишимизнинг асоси қилиб олиниши керак. Бу ишларни ўн иккинчи беш йиллигидаёқ амалга ошириш учун мумкин қадар кўпроқ сабот-матонат, чинакам большевикча қатъият кўрсатиш, оз маблағ сарфлаган ҳолда юксалиш суръатларини тубдан ошириш керак.

Нотиқ мамлакатни ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга актив таъсир кўрсатувчи конкрет чоралар орасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг иш самарадорлигини тубдан ошириш вазифасини ажратиб кўрсатди. Илмий-тадқиқот институтларида, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш асосан пировард натижага қараб тўланганида эди, бундан иш ютган бўлур эди. Бизнинг назаримизда, давлатнинг фанга тармоқ буюртмалари системаси асосида шундай иш қилиш мумкин. Янгиликни жорий қилишга пухта тайёргарлик кўриш, бунда техника ва технологиянигина эмас, балки бу техникадан фойдаланадиган одамларни ҳам тайёрлаш керак. Бу вазифани ҳал этишга, жумладан, Украина ССР Фанлар академиясида тузилган инженерлик марказлари актив кўмаклашмоқда. Тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, улар ечимларнинг муддатини қисқартириш ҳамда ишлаб чиқаришда уларнинг жорий этилиш натижалари миқёсини кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

Фан-техника тараққиёти негизида ишлаб чиқаришни интенсивлаш юзасидан партия ўртага қўйган вазифалар бизга яқин ва тушунарлидир, деди Иваново станкосозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **В. П. Кабандзе.** Шу йилнинг май ойида бош йиллик топшириғи бажарилди. Йил охиригача беш йиллик пландан ташқари 50 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланади ҳамда 110 та ишлов бериш маркази барпо қилинади. Муваффақиятнинг «сири» фақат шундан иборатки — техника тараққиётига зўр берамиз.

Нотиқ инженер-техник ходимларнинг ижодий активлигини оширишга имкон яратадиган тадбирларга катта эътибор берди, уларнинг меҳнати самарасини оширишга қаратилган бир қанча маънавий ва моддий рағбатлантириш омилларини таклиф этди. КПСС Марказий Комитети станоксозликни ривожлантиришга катта эътибор бераётганлиги ивановоликларни ўн иккинчи беш йиллик планларини қайта кўриб чиқиш, уни янада дадил ишлаш, принципиал жиҳатдан янги техниканы ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга даъват этмоқда.

Ушбу кенгашда совет экономикасининг энг муҳим проблемалари муҳокама этилиши, деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси **В. И. Воротников**, стратегик вазифани — мамлакатимизнинг жаҳондаги илғор фан-техника позицияларига чиқиб олиши вазифасини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Фан ва техниканинг ҳозирги замон ютуқлари асосида экономикада туб силжишга эришиш объектив заруратдир. Россия Федерациясидаги ишларнинг аҳволи ҳам худди шундан далолат беради. Табиий ресурслардан тўлиқ ва комплекс фойдаланиш биз учун энг муҳим давлат проблемаси ҳисобланади. Республикамиз ҳар куни бир миллиард сўмликдан кўпроқ хом ашё ва материал сарфлайди. Ҳолбуки, энг муҳим фойдали қазилмалар тобора одамнинг оёғи етиши қийин бўлган районлардагина қолмоқда. Бинобарин, уларни қазиб олиш қимматлашмоқда. Ҳозирги кунда осонликча олинадиган нефть йўқ, уни олиш учун тайгага, ботқоқ жойларга, тундрага боришга тўғри келмоқда. Лекин ишлаб турган эски ҳамда ўзлаштирилган янги районларда ҳам қазилма бойликларнинг 40—45 процентини фойдаланилмоқда, холос. Айни пайтда мутахассисларнинг фикрича, бу кўрсаткични 60—70 процентга ошириш мумкин. Демак, қазиб олишнинг интенсив методларидан кенг фойдаланиш керак бўлади. Бунда фан ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим.

Нотиқ РСФСР фан-техника тараққиётининг 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган комплекс программасини ишлаб чиқишда олимларнинг иштирокига тўхталиб, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг самарали фаолиятини таъкидлади. Олимларнинг йирик регионал проблемаларга комплекс ёндашуви намунасида Сибирь» программасини мисолга олиш мумкин. Аммо бугунги кунда янада олис мақсадни кўзлаш керак. Республиканинг Узоқ Шарқ, умуман, Тинч океан региони сингари бошқа йирик районлари ҳам жиддий диққат-эътиборга лойиқдир.

Нотиқ «Б» группасидаги корхоналарда ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш проблемаларига тўхталиб, бу соҳадаги ишни яхшилаш иқтисодий проблемагина бўлиб қолмай, балки социал проблема эканлигини таъкидлади. Кам унумли, бир маромдаги зерикарли меҳнат ишчиларни ўзига жалб этмайди.

Нутқда инженер кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш масалалари ҳам тилга олинди. Бу ўринда фан ва техниканинг илдам ривожланишидан ҳамманинг ялпи манфаатдорлигини муҳитини яратиш муҳимдир. Шу мақсадда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг ишини анча жонлантириш, пассив маърифатчиликдан бутун аҳолини замонавий билимларга жалб этишнинг самарали формаларини жорий этишга томон туб бурилишни амалга ошириш керак. (ТАСС).

Ю. В. АНДРОПОВ. ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

10 июнь куни Москвадаги «Октябрь» кинотеатрида «Ю. В. Андропов. Ҳаёт саҳифалари» тўла метражли ҳужжатли фильм премьераси бўлди. Фильм Советлар мамлакатини, жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлашга, тинчлик учун, уруш хавфига қарши курашга катта ҳисса қўшган партия ва халқ шонли фарзандининг ёрқин ҳаёт йўли босқичларини акс эттиради.

Кинохроника кадрлари томошабинларни кўҳна рус шаҳри — Рибинск — ҳозирги Андропов шаҳрига етаклайди. Шу ерда унинг комсомол етакчиси сифатидаги ҳаёт йўли бошланган эди. Ярославлда Ленин партияси сафига қабул қилинди, Карелияда республика ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари сифатида Ю. В. Андропов уруш йилларида партизан ҳаракатининг раҳбарларидан бири бўлди.

Фильмга кўпдан кўп ҳужжатли материаллар киритилган. Бу материаллар Ю. В. Андропов урушдан кейинги йилларда КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси лавозимларида масъулиятли партия ва давлат ишларини бажарганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Ленинизмга садоқат, ташкилотчилик истеъдоди, кенг қамровли билим, принципиаллик, ҳаётий тажриба унга катта обрў ва ҳурмат-эътибор келтирди — Юрий Владимирович Андропов КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланган эди.

Ўзини жонажон халқ ишига охиригача садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Ю. В. Андроповнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида экрандан унинг сафдошлари ва дўстлари — Ленин партиясининг ветеранлари, қариндошлари ва яқин кишилари сўзлаб беришган. Картинада совет раҳбари билан учрашувлар ҳақидаги хотираларини Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Я. Кадар, Финляндия Республикасининг президенти М. Койвисто ҳикоя қилишган. Улар Ю. В. Андроповнинг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга, термоядро ҳалокати хавфига қарши қаратилган кўп қиррали фаолиятига юксак баҳо берганлар.

Картина ҳужжатли фильмлар марказий студиясида яратилган.

(ТАСС мухбири).

СОВЕТ АВТОМАТ ПЛАНЕТАЛАРАРО СТАНЦИЯСИ «ВЕГА-1» ВЕНЕРАНИ ТАДҚИҚ ЭТМОҚДА

ТАСС АХБОРОТИ

Халқаро «Венера—Галлей кометаси» лойиҳасининг муҳим бир босқичи бажарилди. 1985 йил 11 июнь куни Венера атмосферасининг айланиши ва унинг метеорологик параметрларини ўрганишга доир принципиал янги эксперимент бошланди.

«Вега — 1» станцияси олти ой учиб, 500 миллион километрга яқин масофани ўтгач, Венера планетасининг атрофларига етиб борди. 9 июнь куни станциядан тушириладиган аппарат ажратилди ва у 11 июнь куни атмосферага кираётиб, қўндириладиган аппарат билан аэростат зондга ажрайди.

Аэростат зонд ажраганидан кейин унинг қобиғига гелий тўлдирилди ва у ҳозир 54 километр баландликда атмосферада парвоз қилмоқда. Зондга узатувчи радио комплекс ва Венера атмосфераси ҳамда булут қатламлари параметрларини ўлчайдиган илмий аппаратлар ўрнатилган. Ердаги совет ва халқаро радио телескоп тармоқлари воситасида аэростат зонд ичидан берилаётган радио сигналлар қабул қилиб олинмоқда, шунингдек, зондинг планета атмосферасидаги координаталари ва силжиш тезлиги аниқланмоқда. Бу радио телескоплар келишиб олинган программага мувофиқ ишлайди ва Европа, Осиё, Австралия, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка территорияларида жойлашган.

Қўндириладиган аппарат пасайиб бораётганида унда ўрнатилган илмий приборлар комплекси ёрдамида совет автомат станцияларининг бундан аввалги учишлари чоғида бошланган булут қатламини, атмосферанинг физик характеристикалари ва химиявий таркибини ўрганиш давом эттирилди. Қўндириладиган аппарат планетадаги Русалка текислиги районида координаталари шимолий кенгликнинг 7 градус 11 минут ва 177 градус 48 минут узунлик нуқтасида оҳиста қўнди. Венера юзида илмий тадқиқотлар комплекси бажарилди. «Вега-1» станциясининг радио системаси ёрдамида қўндирилувчи аппаратдан юборилаётган илмий ахборотлар қабул қилиб олиниб, ерга етказиб турилди.

Қўндирилувчи аппарат ва аэростат зонд илмий аппаратларини яратишда совет олимлари билан бирга франциялик мутахассислар ҳам қатнашдилар.

Туширилувчи аппарат ажраганидан сўнг «Вега-1» автомат станцияси Венера планетасининг юзидан 39 минг километр масофада ўтиб, Галлей кометаси сари учишда давом этмоқда.

«Вега-1» станциясидан олти кун кейин учирилган «Вега-2» планеталараро станцияси 1985 йил 15 июнда Венера планетаси атрофларига етиб боради.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, аэростат зонд ҳамда автомат станцияларнинг ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Илмий ахборот СССР Фанлар академиясининг Космик тадқиқотлар институтига, шунингдек халқаро «Венера — Галлей кометаси» лойиҳасида қатнашаётган бошқа совет ва чет эл илмий марказларида қабул қилинмоқда ва ишлаб чиқилмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ЖЕНЕВА, 11 июнь. (ТАСС). Бугун бу ерда ядровий ва космик қуролларга бағишланган Совет—Америка музокаралари доирасида космик қуроллар билан шуғулланувчи группанинг мажлиси бўлди.

ҲИНДИСТОН—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

ДЕҲЛИ, 11 июнь. (ТАСС). Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, уни космик бўшлиққа олиб чиқишга йўл қўймаслик ишида муҳим қуроддир. Бомбайда бўлиб ўтган Ҳиндистон—Совет дўстлиги митингида «Дейли» газетаси ва «Блитц» ҳафтаномасининг бош редактори Р. К. Караньжия шу ҳақда гапирди. Бизнинг мамлакатларимиз, деди у, тинчликка, ядро қуролсизланишига, космосдан тинч мақсадлар йўлида фойдаланишга интилмоқдалар, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳиндистон Бош министри Р. Гандининг яқинда ССРга қилган расмий дўстона визити буни ишонарли тарзда яна бир бор тасдиқлаб берди. Москвадаги музокаралар ер юзида тинчлик учун курашга, тинчликсевар кучларнинг жипслигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳиндистон—Совет муносабатлари социал-иқтисодий системаси турлича бўлган давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг самараларини намойиш қилмоқда, деди Маҳараштар штати уй-жой қурилиши министри В. Субраманиам. Олий даражадаги мулоқот Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга самарали ёрдам беради.

ЭРОН-ИРОҚ МОЖАРОСИ


БАҒДОД, 11 июнь. (ТАСС). Ироқ авиацияси бугун эрталаб Эрон территориясидаги бир қанча ҳарбий ва граждан объектларига яна зарбалар урди, деб хабар қилди Ироқ ҳарбий вакили ИНА агентлиги орқали эълон қилинган баёнотида. Теҳрон икки марта бомбардимон қилинди, Қазвин, Ободон, Эркуэз шаҳарларига, Рибот ва Сардашт ҳарбий лагерларига ҳужумлар қилинди. Эрон томонининг аскарлари ва техникасига катта талафот етказилди.

* * *

НИКОСИЯ, 11 июнь. (ТАСС). Эроннинг ИРНА агентлиги хабар қилишича, Эрон артиллерияси Ироқ территориясининг жанубидаги ҳарбий ва иқтисодий объектларни шиддатли тўпга тутган. Фронтнинг турли участкаларида тўп отишмалари давом этган. Душман жиддий талафот кўрган.

ДУШАНБАДАГИ В. В. МАЯКОВСКИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ РУС ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ







«МЕҲМОНДА ҲАМ ЎЗ УЙИМИЗДАГИДЕК»

Театрлар гастролга чиққанида одатда ижодий коллективнинг томошабин олдидаги масъулияти икки карра ортади. Биринчидан муҳит — гарчи у ҳар қанча таниш, қадрдон бўлса ҳам, иккинчидан эса томошабин талаби, диди ва шубҳасиз диққат-эътибори катта роль ўйнайди.

В. В. Маяковский номли Душанба рус Давлат драма театри ижодий коллективи Тошкентга илгари ҳам гастролга келган эди. Ҳамшаҳарларимиз бундан олдинги икки гастроль томошаларини ҳозир ҳам мароқ билан эсга олишади. Лекин шунга қарамай қардош тожикистонлик саҳна усталари тошкентликлар билан учрашувга ҳар ҳида тараддуд кўришганини эътироф этмоқлозим.

Театр репертуари ранг-баранг. Саҳна безатилиши, костюмлар, актёрларнинг ўз образларини маҳорат билан талқин этишга кўп меҳнат, изланиш сарф қилаётганлиги бундан далолат бериб турибди.

Театр коллективи спектакллар орасида намойиш қилаётган «Бахт нима?», «Характерлар», «Кутилмаган келин» каби саҳна асарлари томошабинларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларда жамиятимизда учраб турадиган айрим салбий ҳодисалар маҳорат ва адолат билан фош қилинган.

Томошабин хусусида эса меҳмонлар жуда илиқ фикрда. Биз Тошкентда ҳам худди ўз уйимиздагидек мароқ ва завқ билан саҳнага чиқяпмиз, дейишмоқда. Зеро, шундай бўлиши лозим ҳам. Ҳақиқий бадиий баркамол саҳна асари ҳамиша ҳамма жойда бир хил эъзозланади.

***

СУРАТЛАР ДА: «Бахт нима?», «Характерлар», «Тентак қиз» спектакллардан кўринишлар.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ИЛЛАТ

УМР КУШАНДАСИ

Инсон доимо соғлом бўлишни ва узоқ умр кўришни орзу қилади. Соғлом бўлиш аввало меҳнат қилиш, вақтида овқатланиш, дам олишга боғлиқдир. Узоқ умр кўрай деган одам ёмон иллатлардан, айниқса ўзини ичкиликдан сақлаши керак. Ичувчилар оз фурсатли «лаззат»ни кўзлаб, кетидан келадиган кулфат-фалокатга эътиборсиз қарайдилар.

Хўш алкоголизмнинг соғлиқ учун қандай зарари бор?

Текширишлар шуни кўрсатдики, юз грамм спиртли ичимлик ҳатто соғлом кишининг бош мия фаолиятини ҳам бирдан ўзгартириб юборар экан. Жумладан, оддий ҳаракат реакцияси, бир қултум ичимлик ичгандан сўнг 4—5 кун давомида пасайиб кетганлиги аниқланган. Маълумотларга қараганда, психоневрологик диспансерларга мурожаат қилувчи касалликка дучор бўлганларнинг энг кўпи, яъни 20 процентти алкоголизмга мубтало бўлганлар ҳисобланади.

Алкоголизмга учраган кишиларда ошқозон ва жигарнинг фаолияти ҳам анчагина ўзгаради. «Иштаҳа» учун озгина ичиш ошқозон шиллиқ қаватларини қитиқлаб, олдинига иштаҳани бир оз оширади, кейинчалик эса қайта-қайта қитиқлаш шиллиқ қаватларнинг яллиғланишига — гастрит касалига дучор қилади, бу ҳатто рак касаллигига айланиши мумкин.

Ички аъзоларнинг энг муҳимларидан ҳисобланган жигарга спирт жуда заҳарли таъсир қилади. Алкоголизмда жигарнинг яллиғланиши, унинг аввал катталашиб, сўнг кичрайиши учрайди. Касалларда ўнг биқин-қобирга остида оғриқ, озишлик, сариқ касали, танасида қичима ҳолатлари пайдо бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, жигарнинг алкоголдан ҳосил бўладиган цирроз касали ҳозирги вақтда тез-тез учраяпти.

Алкоголизмнинг энг ҳунук оқибатларидан бири юрак-қон томир касалликларидир. Профессор Г. Ф. Ланғнинг маълумотларига қараганда, ичкиликбозларнинг 19 процентида қон босими ортган бўлиб, гипертония касали учрайди. Профессор Ю. Лисицин ичмовчиларга қараганда ичувчиларда гипертония касалини 3 марта кўп аниқлаган. Алкоголизм юрак гўштларининг бўшашишига, иш қобилиятининг камайишига, миокардиодистрофия, кардиосклероз касалликларига сабабчи бўлади. Шуниси ачинарлики, ҳомиладорлик вақтида алкоголлик ичимликлар истеъмол қилинса, 50 процент ҳолда ақли заиф болалар туғилади. 30 процент ҳолларда эса, бола қулоғи оғир, туғма юрак ўйноғи ва бошқа туғма камчиликлар билан дунёга келади.

Ҳозирги замон медицинасининг аниқлашича, кишининг ҳар бир килограмм оғирлигига унинг қонида 0,25 граммдан спирт бўлса, енгил мастлик, 1—2 граммдан бўлса ўрта даражадаги мастлик, 4—5 граммдан бўлса оғир мастлик деб ҳисобланади. Мастликда қилинган жиноятлар, транспорт ҳайдовчиларининг қонидани бузиш даражалари ҳам шунга қараб ўлчанади.

Ичкиликбозлик инсоннинг бебаҳо бойлиги— саломатлигига зиён етказади, меҳнат қобилиятини йўқотади, оилаларга, моддий-маънавий манфаатига зиён қилади, обрўсини тўкади, энг даҳшатлиси умрини қисқартиради. Жонажон Коммунистик партиямиз Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қоят муҳим қарори халқ соғлиғини сақлаш ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги катта ғамхўрлик ифодаси бўлди. Ҳозирги пайтда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш умумхалқ иши, умумдавлат иши бўлиб қолди.

Ичкиликбозлик — оғир касаллик, лекин ундан қутилиш мумкин, бунинг учун махсус даволаш муассасалари, диспансерлар, касалхоналар, санаторийлар ва курортлар мавжуд. Бу ерларда касаллар махсус врачлар ёрдамида даволанадилар.

Шаҳримизнинг Луначарский шоссесида 1977 йилда очилган шаҳар наркология диспансери самарали ишлаб келмоқда, бу ерда касаллар ҳам қатнаб, ҳам ётиб даволанадилар. Замонавий жиҳозланган 100 ўринлик стационар улар хизматида. Наркологик бўлимга эга бўлган психиатрия касалхоналари ҳам алкоголизмга дучор бўлганларни даволашда самарали иш олиб бормоқда. Шаҳримизнинг Олмазор кўчасидаги консультатив поликлиникада профилактик аноним кабинети ҳам касалликни даволашда яхши хизмат қилмоқда. Бу ерда алкоголизмга учраган шахслар исм, фамилия, уй адреси ва иш жойларини билдирмайдилар. Улар фақат ўз номерларини айтадилар, шу номерли анкета кўтарилади ва даволаш давом эттирилади.

Ҳозирги замон медицинаси алкоголизмни даволайдиган энг яхши дориларга эга. Антабус, темпозид, апоморфин, эмитин, чаорец радатер, тетурам, эспераль ва бошқа дорилар ҳамда гипноз билан даволаш яхши натижалар бермоқда. Яхши даволанган касаллар алкоголизм иллатидан бутунлай қутилиб, соғайиб жамият учун фойдали бўлиб қоладилар.

Хулоса шуки, «соғлиқ учун» деб ўз соғлиғингизни йўқотманг.

И. ФАТХУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бош терапевти, медицина фанлари доктори, профессор.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

● Саломатлик учун қанча кўп ичсанг, ўлиминг учун шунча шошасан.

● Ким ичкиликдан мадад истаса гўр атрофида бўлади.

Удмурд мақоллари.

● Биринчи қадаҳни одам ютади, иккинчи қадаҳни қадаҳ ютади, учинчи қадаҳ одамни ютади.

Япон мақоли.

● Денгизга чўкканлардан кўра арақдан ўлганлар кўп.

● Арақ денгизида паҳлавонлар ҳам ғарқ бўлган.

● Вабодан тирик қолган — ичкиликдан ўлим топган.

Адигей мақоллари.

● Мастга тегма, унинг ўзи йиқилади.

Арман мақоли.

● Арақка салом бердингми, ақл билан хайрлашавер.

Грузин мақоли.

● Мастликда орттирилган дўстнинг бўш шишача қимматли йўқ.

Рус мақоли.

● Сув кўприкни, ичкилик мияни бузади.

Немис мақоли.

● Мастлик олти бахтсизликни келтиради: муҳтожлик, жанжал, касаллик, обрўсизлик, шармандалик ва ақлсизлик.

● Ичкиликни ташламоқчи бўлсанг, мастнинг аҳволига боқ.

Хитой мақоллари.

● Куя кийимга, ичкилик одамга ўч бўлади.

Фин мақоли.

● НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

«ТЕРИ РАКИ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?»

Ҳозирги пайтда рак проблемасини ҳал қилишда раколди касалликларига катта аҳамият бериладиган бўлиб қолди. Ракка қарши курашишда аҳолига ракнинг бошланғич аломатлари (раколди ҳолати), унинг хиллари, ўсиш жараёнлари ҳақида тушунча бериш катта аҳамиятга эга. Шундагина беморлар врачга ўз вақтида борадилар ва даво топадилар.

Юқорида номи келтирилган китобчада муаллиф Қ. А. Орифжонов терининг раколди касалликлари ҳақида, касбга алоқадор касалликлар тўғрисида, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш чоралари ва замонавий даво методлари ҳақида ҳикоя қилади.

«Медицина» нашриёти чоп этган бу китобча врачларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

М. ОРИФЖОНОВА.



Оналар ва болалар сиҳат-саломатлиги ва муҳофаза қилишда шифокорларимиз сидқидилдан фидокорлик кўрсатишмоқда. Собир Раҳимов районидаги 3-туғруқхонага қарашли аёллар консультациясида ишлаётган биринчи категорияли врач-гинеколог Муқаддам Толибжонованинг хизматидан район аҳолиси мамнун бўлаяпти.

СУРАТДА: Муқаддам Толибжонова консультацияга келган аёлларнинг сиҳат-саломатлигини текширмоқда.

Д. Аҳмедов фотоси.

Ўктам УСМОНОВ



РОМАНДАН ПАРЧАЛАР

Саттор «хўп» деб йўлга тушди. Кеннойиси қизиқ гапирди: «Қайси ўқишга киришни биласизми ўзи!» Саттор тупроқли кенг кўчада бир ўзи кетаётган бўлса ҳам кеннойисининг бу саволидан ўзича хижолат чекди. Чиндан ҳам Саттор ўзи аниқ билмайди қаерга боришни. «Институтга кираман» деганн билан, хўш, қайси факультетга, нима учун деб савол ташлашса—аниқ жавоби ҳам йўқ. Бирдан шу пайт эсига пединститутда дарс берадиган ҳамқишлоқлари — Барат Эрназаров тушди. Доцентми, деканми— ким ҳам бўлиб ишлайди, дейишган эди... Қишлоқдан борганларга сира ёрдамини аямас экан доим... Ҳатто айрим ўқитувчилари ўқишга киримоқчи бўлганларга «ўшанга бор, йўқ демайди», «ё мен гаплашиб берайми, агар шу кунларда қишлоққа чиқса, албатта айтаман, етти йил ўқитганман мен уни» деб мақтанганларини ҳам Саттор кўп бор эшитган эди. Уша Барат Эрназаров туфайлими ёки қишлоқи ёшлар шаҳар ҳаётини, у ерда қандай олий ўқув юртлари борлигини яхши билмаганлари учунми, бир-бирларини қоралаб боравериб, ҳаркалай, Сойликда ўқитувчиликка кирган болалар кўп эди. Саттор ҳам охири шу қарорга келди...

Аммо пединститутни топиш, айниқса унда Барат Эрназаровни топиш тоза амримаҳол бўлди. Сатторнинг назарида Барат Эрназаров деса ҳамма ўша заҳоти биладигандай, дарров Сатторга топиб берадигандай туюлган эди. Айниқса, яхши кийинган новча бир йигитнинг қилиғи ёқмади. У Сатторга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, кейин «ким дединг из» деб сўради. Саттор ҳамқишлоғининг исми-шарифини айтган эди, йигит ҳавога қараб бироз ўйланиб турди ва йўқ, эшитмаган: ман» дея йўлида давом этди.

Саттор ўзи каби ёш-яланглар билан тўла, бамисоли арининг уясидек ғувуллаб ётган институт биносини кўриб ҳайрон қолди. Одам қумурсқага ўхшаб кетади бу ерда... Утган-кетганларга тутинга-сўртинга қабул комиссиясига яқин борган эди, у ердаги навбатни кўриб баттар бошн қотиб қолди. Ичкарида нима бўлаётганини, ғовур-ғувурда ким нима деяётганини илғаб олиш ҳам қийин эди... Саттор айланиб-айланиб, охири институт биносининг киравершида ўтирган қоровул томонга қараб юрди. Сурмаранг дўхоба дўппи кийган, кўса, олтмишларга борган жиккак киши электр плитада қайнатган сувини кичкина руҳ чойнакчасига дамлаб олаётган эди. Кимдир рўпарасига келиб тўхтаганини сездн-ю, бошини бир кўтариб, чойнак тошиб кетмаслиги учун яна ерга қарадн. «Хизмат, ўғлим, нима ишингиз бор!» Чойни бир-икки қайтариб, устига сочиқ ёпиб қўйгандан кейингина Сатторга қарадн. Саттор ботиниб-ботинмай ундан Барат Эрназаровни билмайсизми, амаки, деб сўрадн. «Ие, нега билмас эканмиз, биламиз» дедн қоровул Сатторга аллақандай қув қараш қилиб. Саттор қувонib, «бошидаёқ шу одамдан сўрасам бўларкан» деб ўйладн. «Биламиз, ўғлим». Қоровул қўлини қошн устига қўйганча йўлак ичкарисига тикилдн. Яқинлашиб келаётган уч-тўрт кишилик тўдага имо қилиб, «ана, ана, излаган одаминг, кўряпсанми, ҳу ўнг томондагисн, сочининг фарқи очилган, ана ўша» дедн ва Сатторга майин кулимсираб «қўрқмай боравер» дегандай бош ирғадн. Саттор Барат Эрназаровни бор-йўғи бир марта узоқдан кўрган эдн; дабдурустдан қандай таништирадн ўзини! Ҳозиргина дадил турган одам бирдан икkиланиб қолдн. Барат Эрназаров ўрта бўй, ранги заҳил, оч кулранг фннка билан оқ шим кийган, шерикларига тўхтовсиз гап маъқуллаётганн учун ҳадеб қўлини ўйнатар; панжаларн ниҳоятда нигичка ва узун эдн. Сатторга аввало кўринишн ёқмадн... Барат Эрназаров унинг ённдан ўтиб, ҳамроҳларн билан ҳовлига чиқиб кетдн. Саттор ҳам бенхтиёр уларга эргашдн, орқадан борнб овозн титраганча «Барат ака» дедн нафасн ичига тушиб. Барат Эрназаров қандайдир асабий ҳаракат билан тез орқасига қарадн, нотаниш йигитчанн кўриб ҳайрон бўлдн.

— Мен Сойликданман... —дедн Саттор қимтиниб, айни пайтда Барат Эрназаровдан кўз узмай. Барат Эрназаров «ким қилай Сойликдан бўлсанг, ошна» дегнсн келмади шекилли, «хўш, хўш» дедн-ю, Сатторга сиғиқлаб тикилдн. Аммо танимади. Ҳамроҳларидан «бир минутга» деб узр сўрадн-да, Сатторнн четга бошладн.

— Кимнинг ўғлисиз!

— Турдиевой аканинг ўғлиман.

— Қайси Турдиевой!

— Урушда ўлиб кетган дадам...

Барот Эрназаров бироз ўйланиб турдн-да, кейин эсига тушдн:

— Ҳа, таниндим, таниндим, тракторчн Абдураҳим аканинг кимн бўласиз!

— Жиянн,— Сатторнинг чиройн очилдн.

— Қайси факультетга кирмоқчисиз!

Саттор яна қимтиниб, бирон нима дейишга йманиб турганн учун Барат Эрназаров:

— Қайси факлардан тузуксиз!— деб сўрадн ва Сатторнинг қўлидагн папкага ишора қилиб, «қанн, кўрсатинг-чи» дегандай қўлини чўздн. Саттор аттестатнни олиб бердн. Барот Эрназаров аттестатдагн баҳоларга кўз югуртираркан, «яхшн, яхшн» дея маъқулладн ўзича.

— Демак, қайси факультетга кирмоқчисиз!

— Сиз билан маслаҳатлашмоқчн эдим. Ўқитувчимиз шундай деган эдилар.

— Сатторжон, институтга кириш — оғир масала, —дедн Барат Эрназаров жиддий тус олиб. — Сизга бир касбнн айтсам-да мен, кейин сиз афсусланиб юрсангиз. Хўш, қандай бўладн унда!!

Саттор «йў-ўқ» дея уялиниқираб кулдн ва Барат Эрназаровга «сиз нима десангиз шу» дегандай мўлтираб қарадн.

— Қаерда тўхтадингиз!— Барат Эрназаров яна Сатторга бошдан-оёқ разм солдн. — Қаерда яшаяпсиз демоқчиман!

— Ҳеч қаерда. Ҳозир поезддан тушдим...

Барат Эрназаров негадир бошқа саволга кўчдн:

— Сиз тоғангизнинг қўлидасиз-а! Ҳа, биламан, эшитганман.

Саттор четга қарадн. Барат Эрназаров унинг елкасига қўлини қўйдн-да, қабул комиссиясн томонга бошладн. Нарироқда унн кутаётган ҳамроҳларнн эс$_{а}$ «ҳозир келаман» дея тинчитдн. Комиссия жойлашган хонага киришгач, Барат Эрназаров бурчакда ўтирган ёш улуғроқ, чўққисоқол кишн билан бир-икки оғиз гаплашдн-да, кейин Сатторнн «бери келинг» деб чақирдн. Чўққисоқол кишн индамай Сатторнинг ҳужжатларнга қўл узатдн. Варақлаб кўриб, саволлар бердн. Кейин ҳаммасини олиб қолиб, Сатторга кичкинагина бир қоғозча тўлдириб бердн. Саттор Барат Эрназаровга эргашиб ташқарига чиқдн.

— Ана, эндн кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тайёрланаверасиз имтиҳонларга! —дедн Барат Эрназаров ҳамон жиддий оҳангда.— Ман$_{а}$ бу қоғозна эса ётоққа. Юринг, кўрсатиб қўяман. Комендантга борнб шу қоғозни берсангиз, сизни ётоқ билан таъминлайдн. Ўттиз сўмми, ҳа ўттиз сўм бўлса керак бир ойга, пул тўлайсиз. Пулингиз бордир-а!

Саттор бунчалик бўлишини кутмаганн учун Барат Эрназаровга қараб қандайдир телбанамо жилмайиб турар, миннатдорчилик билдиришни ҳам билмас эдн.

— Эртадан мен икки ойлик командировкага кетяпман, ановн йигитлар билан,— дедн Барат Эрназаров ҳалиям унн соядa кутиб турган боягн дўстларига бош ирғаб.—Учинчи семестр — студентлар бригадасн ёзн билан Мирзачўлда ишлайдн. Уқишга кирсангиз, сиз ҳам борасиз ҳалн. Хўп, Сатторжон, муваффақият тилаймаи, оғайни. Эрта-юкеч ўқиш, ўқиш, тушунарлимн!! Тошкентда бир ярим ой саланглаб кетадиганлар ҳам кўп бўладн бу ерда. Уларга қўшилманг. Хўп, соғ бўлинг.

Саттор эндн бироз ўзига келиб, Барат Эрназаровга қайта-қайта «раҳмат» айтдн-ю, эгилиб, икки қўллаб хайрлашиб қолдн у билан. Барат Эрназаров кетаётганида ҳам:

— Бўш келманг, ука, бошни баланд кўтариб юринг,— деб тайинладн қатъият билан. — Баҳоларингиз аъло экан, қўрқмай тайёрланаверинг. Ётоққа эса ановн муюлишдан ўтиб, хнёбоннинг охиригача борсангиз — худди ўзидан чиқасиз... Хўп, хайр...

Сатторни учинчи қаватга жойлаштиришди. Комендант хизматчилардан бирига тайинлаган эдн, у Сатторни бўёғи кўча бошлаган ҳаворанг баланд эшик қаршисига бошлаб келди-да, бир-икки тиқирлатдн. Ичкаридан овоз эшитмагандан сўнг эшикни куч билан итариб кўрдн: очилмадн. «Сиз шу ерда тура турииг» дедн-ю, калит қидириб кетдн. Беш минутлардан кейин Саттор қаторн мўйлабн эндн сабзи урган бир йигитча билан бошлашиб қайтдн. Йигитча эшикни очгач, учовларн хонага киришдн.

— Сизларга янги ҳамхона, —дедн ётоқхона хизматчиси ва Сатторга бурчакдагн кароватни кўрсатдн. Чиқиб кетгач, боягн йигитча:

— Узларн қаердалар!— дея сўрадн Саттордан.

— Бўстонликдан.

— Қаерда у Бўстонлик!

— Тошкентдан олтмиш километр.

— Ҳа-а, шу ерлик экансиз-ку. Қанн, бир таништмб қўяйлик. Исмим Ҳакимжон. Узларн...

— Саттор.

—Саттор эмас, Сатторжон. «Саттор» жуда қўпол эшитиладн.. Биз доммо «жон» қўшиб гапирамиз. Ювинмоқчи бўлсангиз, йўлакдан бораверасиз, ўнг томонда. Ҳалн яна бнтта шеригимиз ҳам бор.

Саттор «раҳмат» дедн-ю, атрофга разм солдн. Иккита йирик деразали, баланд шифтли, кенг хонага олтита кароват қўйилган бўлса ҳам анча бемалол кўринадн. Кароватлардагн чойшаблар оппоқ, саранжом-саришта, йиғиштирилган. Ўртада қайноқ чойнак қўйилаверганидан доғ-дуғ бўлиб кетган айлана стол, атрофида иккита эски стул. Стол устида учта стакан, қорни лачоқ, белигача қорайган алюмнн чойнак; газета остида бир буханка нон...

Саттор шуларга ҳам ўзида йўқ қувондн. Назарида қандайдир янги, ҳеч нимага қиёслаб бўлмайдиган ҳаётн бошланаётгандай эдн. У ҳужжатларнни олиб қолган чўққисоқол кишн берган қоғозга қарадн. Демак, Саттор тарих факультетига кирмши керак. Ҳа, ростдан, Барат Эрназаровнинг ўзи ҳам тарихчи-ку, ўқитувчиларн айтмшгандн...

Саттор аслн бугун бир шаҳарга тушиб, аҳволнн билиб чиқмоқчи эдн. Ярим кунда шунча ишн битганига ҳамон ишонгиси келмас, Барат Эрназаровдан ўта мамнун эдн. Бирдан унда бу қувончларнни тоғаси ва кеннойисига айтиш истаги пайдо бўлдн-ю, яна қувондн.

Ҳакимжон китобдан бош кўтариб:

—Эндн консультациялар кунини билиб, тайёрланаверасиз. Қайси факультет!— деб сўрадн. — Китоб-дафтарларингизни олиб келмабсизда!

— Тарих факультети.

— Биз— математик. Ановн филолог,— Ҳакимжон бўш кароватларнинг бирини кўрсатдн.

— Китобларимни биратўласи олиб келмаганимга ўзим ҳам афсусланиб турибман.

— Э, бир қадам жой эканку.

Сатторга Ҳакимжоннинг гапи далда бўлдн, апил-тапил йўлга отландн.

— Қачон қайтасиз!

— Эртага.

— Агар биз хонада бўлмасак... — Ҳакимжон шундай дедн-да, китобнн тумбочка устига ташлаб, Сатторни йўлакка бошлади ва дераза оралиғидаги бир кавакчанн кўрсатдн:

— ... калитни мана шу ерга қўямиз. Уйларга салом айтинг.

— Раҳмат.

... Саттор ташқарига чиққанда соат бешлар чамаси; қуёшнинг тафти пасайган, аммо ҳалн ҳам кўчада одам сийрак эдн. У кечки поезд қачон кетишини ўйладн: вокзалдан олтидан ўн минут ўтганда жўнайдн. Хайрнят, Салор станцнясига вақтида келдн. Поезд ҳам вақтида жўнадн. Буни қарангки, Искандарда ҳам Сатторнинг ишн юришиб, районга помидор олиб тушган колхоз машинаси кеч қайтаётган экан, ўшанга илинди-ю, кўз очиб-юмгунча қишлоққа етиб борди. Кеннойиси унн кутмаганн учунми, «нима бало, ишн битмабдн шекилли» дея ўйлаганидан:

— Тинчликми!—деб сўрадн қўлидагн бўш челакни ерга эҳтиёткорлик билан қўярканд.

— Бўлди!— Саттор севинчини яширолмаганидан оғзи нақ қулоғнда эдн.— Ётоқ ҳам бўлдн. Барат ака бир оғиз гапн билан ётоққаям жойлаштириб қўйдн, ҳужжатларимни топширишворди. Кеннойи, ётоғимизни кўрсангиз, топ-тоза, бир қувурдан совуқ, бир қувурдан иссиқ сув оқади. Чойни электрда қайнатамиз...

— Ҳа, тузук, мен ўйлабманки... — Кеннойиси бўш челагини олиб, очил томонга юрдн. Саттор кийимларини алмаштириб чиқдн-да, ўзидан-ўзи кеннойисига қарашгисн келиб, у ҳам оғилга кирди; молларининг тагини тозалаётган кеннойисининг қўлидан белкурагнн олдн. Кеннойиси мийғида кулганча «унда мен овқатимга қарай қолай» деганча чиқиб кетдн. Саттор тоғасининг катта ўғли қўй-эчкиларнн шу атрофдагн тепалардан ҳайдаб келгунча оғилнн чиниидай тозалаб қўйдн-ю, ахлатларнн боягн бўш челакка солиб, ҳовли пастидагн гўнгтепага ташладн. Хурсандлигидан у ёқ-бу ёққа ўтганда оғил ўстунига боғланган Олапарнинг бошнн силаб, эркаладн. Ит думнни ликиллатганча, қўй кўзларн ёниб, Сатторга жавдираб қарайдн нуқул... Охирги челак ахлатни олиб чиқаётганда тоғаси чшдан қайтиб, хотнин билан нима ҳақдадир гунгур-гунгур гаплашиб турди; кейин Сатторга яқинлашиб, «э, қорманг, жиян, қорманг» дедн мамнунлнги шундоқ юзидан билиниб.

— Бор бўлинг.

— Қара, қандай ярашиб турибди-я, жиян. Аслн ўзи деҳқон йигитсан-у...

Саттор пешонасидагн терини сидириб норозн бир қиёфада тоғасига тикилдн. Бунн у сезиб:

— Қалай, яхшн бўптн шекилли ишларинг!—дея сўрадн. — Кеннойинг шундай деяптн, тўғримн!

—Э, фақат ҳужжат топширдим тоға. Ҳалн кираманми —йўқми, номаълум.

— Баракалла, жиян. Ман$_{а}$ шундай қовлиқмасдан, калланн ишлатиб, мақтанмай гапирсанг, ҳеч қачон юзинг шувит бўлмайди. Ана Ҳикматулла ҳам қўйларини ҳайдаб келяпти...

(Давомн бор).

(Давомн. Бошн газетанинг ўтган сонида).



«ҚУЁШГА ТАЪЗИМ ҚИЛ»

Ёзувчи Улмас Умарбековнинг Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасида муваффақият билан намойиш этиб келинаётган «Шошма, қуёш» спектакли санъат мухлисларида яхши таассурот қолдирмоқда. Бу спектакль ўзининг моҳияти билан опера ва балет ижодкорларининг диққатини ҳам жалб этди. Бастакор Рустам Абдуллаев шу спектакль асосида ёзилган «Қуёшга таъзим қил» (либретто муаллифи Аҳмад Раҳимов) балетига мусиқа басталади.

Янги балет асарини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театрида РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Янсон саҳналаштирди. Саҳна асарига Л. Шилкрут, М. Ядринская хормейстерлик қилишмоқда.

СУРАТДА: «Қуёшга таъзим қил» балетидан лавҳа.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРДА

В. ШИШКОВнинг «ЕМЕЛЬЯН ПУГАЧЕВ» (3 китобидан иборат) **КИТОБИГА**

АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

14, 21 июнь, 5 июль кунлари ҳар бир қабул пунктида 50 тадан абонемент тарқатилади.

15, 16, 22, 23 июнь кунлари ҳар бир қабул пунктида 100 тадан абонемент тарқатилади.

6 ва 7 июлда ҳар бир қабул пунктида 90 тадан абонемент берилади.

В. ШИШКОВнинг «ЕМЕЛЬЯН ПУГАЧЕВ» китобига абонементлар бир йўла камида 20 килограмм макулатура топширгандан кейин берилади.

Ҳар бир том учун 20 килограмм ҳисобидан камида 60 килограмм макулатура топширган кишилар китобнинг тўла комплектини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Абонементлар кўрсатилгандагина маркалар учун макулатура қабул қилинади.

Абонементлар жума куни соат 18.00 дан, шанба ва якшанба кунлари эса соат 9.00 дан бошлаб тарқатилади.

Қолган кунларда абонементларнинг маркаларини тўла комплектлаш учун макулатуралар қабул қилинади. Макулатуралар ва иккиламчи хом ашёлар гражданлардан иккиламчи хом ашёлар учун белгиланган 52-01 прескурантида кўрсатилган сотиб олиш баҳоларига биноан чекланмаган миқдорда қабул қилинади: топширилган бир килограмм макулатура учун 2 тийин, бир килограмм жун, жун аралашган латта учун 16 тийин ва бир килограмм ип-газлама, каноп ҳамда қоплар учун 6 тийин ҳақ тўланади.

Қабул пунктларининг ишлаш тартиби: ҳар куни (жумадан ташқари) соат 9 дан 18.00 гача, танаффус соат 13 дан 14.00 гача. Жума куни соат 11 дан 20.00 гача, танаффус соат 14 дан 15.00 гача.

МАКУЛАТУРАЛАР ФАҚАТ ПАЧКАЛАРГА БОҒЛАНГАН, ТУРЛАРГА АЖРАТИЛГАН ҲОЛЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: ГАЗЕТАЛАР, КИТОБЛАР-ЖУРНАЛЛАР, МАИШИЙ КАРТОН ВА ЎРАШ ҚОҒОЗЛАРИ ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҚАЕРДА ТУРИШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР ЖОНЛИ ТАРТИБ ИЎЛИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

Фрунзе райони аҳолисига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ивановолик тўқимачилар массиви, 4-уйда 75-қабул пункти очилди.

АБОНЕМЕНТЛАР ОЛИШ УЧУН МАКУЛАТУРА ВА ИККИЛАМЧИ ТЎҚИМАЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА ФАОЛ ТОПШИРИШ САВДО ТАРМОҚЛАРИГА АДАБИЁТЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛИНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ —ТАЪЙЕРЛОВ КОРХОНАСИ.

КИНО

12 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЛВАСА» — **Санъат саройи** (катта зал, 17, 19.45; телефон 44-21-34), **Чайка** (18, 21.00; телефон 77-06-20).

«МУДҲИШ САЁҲАТ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Москва** (тоқ соатларда), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-35-06), **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Нукус** (18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Искра** (18.30, 21.00, телефон 39-14-59), **Хива** (22.00).

«АФРИКАЛИК», «ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ»— **Қозоғистон** (17, 18, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92).

«ТЎРТ ҚЎЛ УЧУН ЎИИН» — **Москва** (тоқ соатларда, **Восток** (жуфт соатларда, 21.30; телефон 91-14-61).

«ДАВОМ ЭТАВЕР, МАФТУНКОРЛИК» — **Восток** (жуфт соатларда, 21.30), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ»— **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00).

«СКАПЕН НАЙРАНГЛАРИ» — **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ КЕЧҚИ БЎЛИМГА

қуйидаги ихтисослар бўйича кирувчилардан ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Физика— РУС ТИЛИДА; **математика, музика ва ашула, чизмачилик ва расм, физика**— ЎЗБЕК ТИЛИДА.

Ҳужжатлар 20 июнгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700064, Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103-уй.

ТОШКЕНТ КЕЧКИ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ

20 июнь соат 11.00 дан 16.00 гача

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

ТЕХНИКУМГА КИРИБ ЎҚИШНИ ҲОҚЛОВЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Улар техникум аудиториялари, лабораториялар ва ўқув базаси билан танишадилар.

Техникум адреси: 700048, Тошкент шаҳри, 48-алоқа бўлими, Сельмашская кўчаси, 6-уй (3, 10, 16, 30, 28, 21, 48, 72-автобуслар, 13-трамвайнинг «Ташсельмаш» заводи» бекати).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ

«С» категориядаги 3-класс ҳайдовчилари тайёрлаш курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 5,5 ой.

Ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Курсларга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар қабул қилинади.

Курсларни тамомлагандан кейин мажбурий 2 йил ишлаб берилади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

9-АТП қошида болалар боғча-яслиси мавжуд.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент область, Наримонов шаҳри, Лихачёв кўчаси, 2-уй (171, 183-автобусларнинг «9-автобаза» бекати).

„ТО" спорт ҳафтаси

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

● **Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида тошкентликлар олдинда боришмоқда. Ғалабада сизнинг ҳам ҳиссангиз бор.**

● **Иккинчи тахтада вазият кескинлашди. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин. 34-юриш қандай бўлиши керак!**

5 июнда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонларининг сиртқи шахмат матчида ўттиз учинчи юриш эълон қилинган эди. Бу сафар мухлисларнинг фикри асосан икки хил бўлди. Баъзилар d5 катагида турган оқ филни е6 катагига суриш, баъзилар эса e2 катагида турган фарзинни a6 катагига юриш керак дейишди. Жюри кейинги таклифни тўғри деб топди ва у олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди. Бир ҳафталик танаффусдан сўнг олмаоталиклар бу юришга Крb8—c7 билан жавоб беришди.

Ҳурматли шахмат мухлислари! Ўзингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги— 34-юриш қандай бўлиши керак!

Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Энг мақбул юришларни таклиф этган газетхонларнинг исм ва фамилиялари газетада эълон қилинади.



Уз таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўлланг: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 32-55-32, 33-08-74 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.



● ТАНИШИНГ, ШАҲРИМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

Тажриба қўл келди

ГТО кўп кураши бўйича шаҳар биринчилигида ғолиб чиққанлар орасида «Узавтострой» республика қурилиш трестининг бош инженери Юрий Петрович Козлов ҳам бор эди. У фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига ўн биринчи марта кўтарилди.

Юрий Петрович спортнинг бу турига тасодифан қизиқиб қолди. Мактабда, институтда ўқиётган пайтларида енгил атлетика билан шуғулланиб юрарди. Спортнинг алоҳида бир турига ихлос қўймаганди. Тўғри, 110 метр масофага тўсиқлар оша югуришда дуруст натижа кўрсатарди. Спортча юриш ва енгил атлетика ўн курашида ҳам натижалари ёмон эмасди. У эришган муваффақиятларни кўз олдимизга келтириб кўрайлик. 1960 йилда у енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма командаси составига киритилди ва спорт мастерлигига кандидат нормативини бажарди.

Шундан кейин оила юмушлари билан бўлиб актив шуғулланмай қўйди. Бироқ, енгил атлетика билан шуғулланишни бутунлай унутиб қўймади. Уз ҳолига югуриш билан шуғулланар, стадионга бориб мусобақаларни томоша қилар, беллашувларда иштирок этарди.

Кўп ўтмасдан унинг спортга бўлган муносабати бутунлай ўзгарди. Югуриш ва спортча юриш саломатлик манбаи эканлигини тушунди. Шундан кейин фақат ўзигина эмас, оила аъзоларини ҳам эрталабки ва кечки югуриш машқларига торта бошлади. Кейинчалик бу кундалик эҳтиёжга айланиб қолди. Ҳозир оила аъзоларининг ҳаммаси физкультура билан актив шуғулланмоқда. Ўғли Андрей Козлов институтни битириб, физкультура ходими бўлиб ишламоқда. Қизи Лена Козлова эса консерваторияда ўқиётган бўлишига қарамасдан актив спортчи ҳисобланади.

«Узавтострой» республика қурилиш трестининг бош механиги Юрий Козлов бир неча марта Тошкент шаҳри чемпиони бўлган. 1980 йилда эса ГТО кўп курашининг бешинчи босқичи талабларини аъло даражада уддалаб, республика чемпиони унвонини қўлга киритган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Юрий Петрович ўзи меҳнат қилаётган коллективда ҳам физкультура ишларини оммалаштиришда жонбозлик кўрсатмоқда. Унинг ташаббуси билан трестда мерганлик бўйича команда ташкил қилинди. Бу команда Октябрь район биринчилигида муттасил биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Трест мерганларидан Олег Давлечаев ва Людмила Копейкина бир неча марта совринли ўринни қўлга киритишган.

ГТО кўп кураши бўйича Тошкент шаҳрининг 11 карра чемпиони Юрий Петрович ҳозир 51 ёшда. У ҳамон тетик ва бардам. Югуриш йўлаги бўйлаб чопиб бораётганида, граната улоқтираётганида, ҳавзада сузаётганида, тирда нишонни аниқ мўлжалга олаётганида буни яққол сезиш мумкин.

СУРАТДА: ГТО кўп кураши бўйича Тошкент шаҳрининг чемпиони Ю. Козлов.

Т. Каримов фотоси.

КУБОК БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Футбол бўйича Ҳамза райони кубоги учун ўтказилган турнир якунланди. Икки ой давомида корхона ва муассасалардаги футбол майдонларида қизиқарли баҳслар борди. Ҳар бир учрашувни томошабинлар зўр ҳаяжон ва қизиқиш билан кузатишди. Уларнинг ҳар бири ўз командасининг ғолиб чиқишини орзу қилар эди.

Спортда ҳамиша омад энг кучлиларга ёр бўлади. Футбол билимдонлари олдиндан башорат қилган тахминлар бу сафар оқланмади. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг командаси аввалги йилларда биринчи марта кубок соҳиби бўлган эди. Бу сафар эса ана шундай шарафга 1-ўрта ҳунар техника билим юртининг командаси сазовор бўлди. Виктор Семенович Хайнов устозлик қилаётган команда барча учрашувларни ҳужумкорлик руҳида ўтказиб мутахассисларни ҳам, ишқибозларни ҳам хушнуд этди.

Шокир Муҳамедов тренерлик қилаётган «Авнастроител» командасининг аъзолари ўз мавқеларини жуда туширмай юборганларини айтиш керак. Улар умумий якунда иккинчи ўринни эгаллаб Тошкент шаҳри кубоги учун ўтказиладиган баҳсларда 1-ўрта ҳунар-техника билим юрти командаси билан бирга район шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Учинчи совринли ўринни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг командаси эгаллади.

Редактор **Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ**

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ БЕТ

12 ИЮНЬ. 1985 й.

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

1985—1986 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

Ҳунар-техника билим юртларига ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

29-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ: **бичиқчи** (чарм пойафзал ишлаб чиқаришида) **пойафзал устки қисмини тайёрловчи, шахсий буюртма асосида пойафзал тикувчи, ОТК контролёри, ремонтчи-слесарь, тикувчи-мотористка.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 синф маълумотидагилар учун — 2 йил, 10-синф маълумотидагилар учун 1 йилу 6 ой.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби турибди.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртига 10-синф маълумоти билан кирган ўқувчилар 30 сўм стипендия берилади, 8-синф маълумотидагилар ўқувчилар эса, давлат таъминотида бўладилар (улар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида турли тўгараклар фаолият кўрсатаяпти.

Билим юртига қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти ва туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар, ўқиш жойидан характеристика, медицина справкаси (286-форма), яшаб турган жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Дўмбробод, Наққошлик кўчаси, 199-уй (7, 16-троллейбуслар; 173-автобуснинг «Дўмбробод» бекати). **Телефон 76-77-45.**

23-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Трамвай вагонларининг учинчи класс ҳайдовчиси, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, контакт ва кабель тармоқлари ремонти ва улардан фойдаланиш электр монтери, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электромонтери, трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг электр асбоб-ускуналари ва радиоаппаратураларини ремонт қилувчи электромеханик, линия хизмати диспетчер-ревизори, ўқиш муддати — 5-6 ой;

УҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН КИШИЛАР, ШУНИНГДЕК 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга қабул қилинганларга 75 сўм стипендия тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

8-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:

тортиш подстанцияларининг диспетчери, трамвайлар ва троллейбуслари ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш механиги, трамвайлар ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппаратураларини ремонт қилувчи электромеханик, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электромеханиги, енгил автомобиллар, юк автомашиналари ва бошқа ихтисослашган машиналарни (давлат таъминотида туради) ремонт қилувчи автослесарь. Ўқиш муддати —3 йил;

10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:

трамвай вагонларининг 3-класс ҳайдовчилари, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, тортиш подстанцияларининг диспетчери, тортиш подстанцияларини ремонт қилувчи ва улардан фойдаланувчи электромонтер, автослесарь, контакт ва кабель тармогини ремонт қилувчи ва ундан фойдаланувчи электромонтер, линия хизмати диспетчер-ревизори (ойига 30 сўм стипендия тўланади). Ўқиш муддати—10 ой.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади ва шаҳар пропискасидан ўтказилади, улар Тошкент шаҳрида трамвай ва троллейбусларда бепул юрадилар.

Билим юрти қошида турли тўгараклар, ишчи-ёшлар мактаби фаолият кўрсатмоқда.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Красноточный кўчаси, 3-«а» уй (1, 17-«э» автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 18-троллейбуснинг «Красноточное» депоси» бекати). Телефон 62-34-57.

18-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

Токарь, ремонтчи-слесарь, электр газ пайвандчи, фрезерчи, программали бошқариладиган станокларнинг оператори, электр ускуналар ремонти бўйича электромонтер, механика-йиғув ишлари слесари, техника назорати бўлими контролери, қўлда қолиплаш қолипловчиси.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 10 синф маълумотлилар учун — бир йил, 8-синф маълумотлилар учун — 3 йил.

Уч йиллик группаларга қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, формали кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Бир йиллик группаларга қабул қилинган ўрта маълумотлиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Қўлда қолиплаш қолипловчиси касби бўйича ўқийдиганларга эса ойига 90 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумот ва тегишли малака олганлиги тўғрисида диплом берилади. Имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан ва медицина (286-форма) справкалари, 6 дона фотосурат (3х4 см.), паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Қабул комиссияси якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Ш. Руставели кўчаси, 57-уй (2, 3, 50, 54-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 4, 7, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати). Телефонлар: 53-95-26, 53-95-23, 53-95-21.

28-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Пойафзал устки қисмини бичувчилар, пойафзал устки қисмини тайёрловчилар, пойафзал тикувчилар, тайёр пойафзалларни қабул қилиб олувчи-контролерлар, слесарь-ремонтчилар, электр монтёрлар, конструктор-модельерлар, якка буюртмалар бўйича моделли пойафзал тикувчилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ —6 ОЙ.

Билим юрти қошида кечки-ишчи ёшлар мактаби мавжуд.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Билим юрти пойафзалчилар саройига эга. Бу ерда ҳар хил ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлайди.

Билим юртида доимо бепул тикиш-бичиш курслари ишлаб туради. Бу курсларни тугатганларга гувоҳнома берилади.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт; билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6, 14-троллейбуслар; 11, 51, 172, 173-автобусларнинг «1-Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

ТВ

пайшанба

13 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Асли болаликдан». Л. Кассиль. «Кондуит ва Швамбрания».
10.35 «Ҳайвонот оламида».
11.35 «Ковлар ҳақида ўйлар». Бадиий фильм. 2-серия.
13.10 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Совет кишиси учун». Ҳужжатли фильмлар: «Ободонлаштириш — умумхалқ иши», «Ҳаммаси бўлиб 24 кун».
15.55 XIX аср охири ва XX аср бошларида рус поэзияси. И. Анненский.
16.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.40 «Тавба тазарру». Алкоголизмнинг зарари ҳақида қисқа метражли бадиий фильм.
18.10 «БАМ қурилиши давом этмоқда». Бурятия ва Амур областидаги БАМ зоналарининг ўзлаштирилиши ҳақида.
18.35 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. 1/4 финал. ГФРдан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
20.05 Украина Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Кобза» халқ кўйлари ансамбли ижро этади.
20.25 Москвада балет артистлари V Халқаро конкурсининг очилиши. А. Глазуновнинг «Раймонда» балети. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.
21.30 «Время».
22.05 А. Глазунов «Раймонда» балетининг давоми.
23.15 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. Л. Ошанин.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Дала мавсуми». Телефильм.
9.35 Магнитогорск Давлат хор капелласининг концерти.
9.55 «Сиз яратган боғ».
10.25 «Ҳаётга йўлланма».
11.10 Д. Дефо ва унинг «Робинзон Крузо» китоби.
11.40 «Усмирлар ижоди».
12.10 Испан тили.
12.40 «Ёдингдами, ўртоқ».
13.40 «Жиноят». Бадиий фильм, субтитр билан. 2-фильм.
15.50 Р. Жуковский куйлайди (ПҲР).
16.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Инсон, машина, ҳиссиётлар», «Бизнинг жонли сайёрамиз».
16.35 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Клин шаҳар ойна заводи клубининг духовой оркестри ижро этади.
19.00 «Қишлоқ янгиликлари».
20.00 «Шахмат мактаби».
20.30 «Туннигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Хўтик ва офтобжон». Мультфильм (ЧССР).
20.50 Самбо курашы бўйича СССР чемпионати.
21.10 «Ҳар нарсага қодир элим». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 Олти сериялы телевизион бадиий фильм. 3-ва 4-серилар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Қоракумдаги Нептун».
10.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш сеҳргарлар» (такрорий).
11.30 «Йўлдаги курашлар». Бадиий фильм. 2-серия.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Довюрак Робин Гуд». Кўғирчоқ фильм.
18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...»
19.00 «Дўстлик поезди». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. Кўрсатувни Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати П. Қодиров олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона сиёсий кун». «Жаҳон ёшлиги—тинчлик учун курашда» (рус.).
22.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Математика.
18.40 Реклама.
18.50 «Классик куй саҳифалари».
19.30 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қизил велосипед». Телевизион бадиий фильм (рус.).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти коллективи Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори

Рашид Набиевич НАБИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ (**«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. —12317. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.